

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03  
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МУХИТДИНОВА НАЗМИЯ МУСЛИХИДДИНОВНА**

**XVIII-XIX АСРЛАР БИРИНЧИ ЯРМИ ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИДА  
САЛАФЛАР АНЪАНАЛАРИНИНГ ПОЭТИК ТАКОМИЛИ  
(Муҳаммад Ғозий ва Мирҳасан Садоий ижоди мисолида)**

**10.00.02 – Ўзбек адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2021**

**Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати  
мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc) по  
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of science (DSc) on  
philological sciences**

**Мухитдинова Назмия Муслихиддиновна**

XVIII-XIX асрлар биринчи ярми ўзбек шеърятда салафлар анъаналарининг  
поэтик тақомили (Муҳаммад Ғозий ва Мирҳасан Садоий ижоди мисолида) .. 3

**Мухитдинова Назмия Муслихиддиновна**

Поэтическое совершенство традиций наставников в узбекской поэзии первой  
половины XVIII-XIX веков (на примере творчество Мухаммада Гази и  
Мирхасана Садои) ..... 31

**Mukhitdinova Nazmiya Muslixiddinovna**

Poetic development of ancestors' traditions in uzbek poetry of the first half of the  
XVIII-XIXcenturies (on the works of Muhammad Gozi and Mirhasan Sadoiy) ... 59

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 64

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МУХИТДИНОВА НАЗМИЯ МУСЛИХИДДИНОВНА**

**XVIII-XIX АСРЛАР БИРИНЧИ ЯРМИ ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИДА  
САЛАФЛАР АНЪАНАЛАРИНИНГ ПОЭТИК ТАКОМИЛИ  
(Муҳаммад Ғозий ва Мирҳасан Садоий ижоди мисолида)**

**10.00.02 – Ўзбек адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2021**

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.DSc/Fil228 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.samdu.uz](http://www.samdu.uz)) ҳамда «Ziynet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Юсупова Дилнавоз Раҳмоновна филология фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	Эркинов Афтондил Содирхонович филология фанлари доктори Қобилова Зебо Бакировна филология фанлари доктори Мақсудов Бадриддин филология фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Мирзо Улутбек номидаги Ўзбекистон миллий университети

Диссертация химояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «11» 08 соат 10 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиебони кўчаси, 15-уй. Тел.: +99366 239-11-40, +99366 239-18-92; факс: +99366 239-11-40; e-mail: [rector@samdu.uz](mailto:rector@samdu.uz).)

Диссертация билан Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида таништириш мумкин (41 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиебони кўчаси, 15-уй. Тел.: +99366 239-11-40, +99366 239-18-92.)

Диссертация автореферати 2021 йил «30» 07 кунни тарқатилди.  
(2021 йил «30» 07 даги 76 рақамли реестр баённомаси).



Ж.Хамроев  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари, филология фанлари доктори, профессор

Х.Асланова  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ш.Ҳасанов  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филология фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон адабиётшунослигида ўрта асрлар давридаги адабий меросни тарихийлик, қиёсийлик, ўзаро таъсир ва акс таъсир, синкретизм тамойиллари асосида ўрганиш ривожланаётган бўлиб, адабиёт тарихини жаҳон цивилизацияси тараққиётининг ажралмас бўлаги сифатида баҳолаш, ҳар бир ижодкорнинг миллий адабиёт тарихидаги ўрни ҳамда бадиий тафаккур хазинасига қўшган улушини, ижод маҳсулининг ўзига хослигини белгилаш долзарб масалалар қаторидан ўрин олмоқда. Шу маънода, адабиётшуносликнинг асосий таркибий қисми ҳисобланган адабиёт тарихининг ўзига хос жиҳатларини белгилаш, мумтоз адабий меросни тарихий объективлик ва адабий жараённинг ривожланиш тенденциясининг ажралмас қисми сифатида турли илмий ёндашувлар асосида ўрганиш каби масалалар жаҳон адабиётининг ўрганилиши зарур бўлган мавзуларига айланмоқда.

Жаҳон адабиёт тарихи ва адабий фигуралар ҳақида маълумот тўплаш, уларнинг ижодини давр ва замон билан боғлаб таҳлил қилиш, адабий муҳит ва жамиятнинг тафаккур тарзини ўрганиш узоқ ўтмишга бориб тақалса-да, адабиётшунослик фанида янги давр талабларидан келиб чиққан ҳолда адабий-тарихий меросни ўрганиш ўз услуби ва мавзу қирраларининг белгиланишига кўра янги йўналишлардан саналади. Адабий мезон ва меъёрлари шаклланган миллий адабиёт маданият ва тамаддуннинг ривожига катта ҳисса қўшадиган унсур ҳисобланади. Бироқ мусулмон Шарқидаги миллий адабиётлар шеъриятининг тараққиёт босқичлари жаҳон адабиётшунослигида етарлича ўрганилмаган. Адабиётшунослик интенсив ривожлантиришни тақозо этади. Мумтоз адабий меросга муносабатни ўзгартириш, янги ёндашувларни жорий этиш зарур. Айниқса, миллий ўзликни англаш жараёнида Шарқда ривожланган тамаддун ўчоқларида шу пайтгача ўрганилмаган маънавий мероснинг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш давр талабидир.

Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, яъни Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишнинг бош омиллари белгиланар экан, Президентимиз таъбири билан айтганда, “Буюк ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган она заминимиз азалдан юксак цивилизация ва маданият ўчоқларидан бири бўлганини кўрамиз. Халқимизнинг бой илмий-маданий мероси, тошга муҳрланган қадимий ёзувлар, бебаҳо меъморий обидалар, нодир қўлёзмалар, турли осори атиқалар давлатчилик тарихимизнинг уч минг йиллик теран илдизларидан далолат беради”<sup>1</sup>. Шунга кўра, ўзбек мумтоз адабиёти тарихида “иккинчи олтин давр” дея баҳоланган Қўқон адабий муҳитида яшаб ижод қилган шоирларнинг ҳаёт ва фаолиятини ўрганиш, улар қолдирган адабий меросни илмий муомалага киритиш, жамоатчиликка етказиш ўзбек адабиётшунослигининг долзарб муаммоларидан ҳисобланади.

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // <http://uza.uz/posts/3452>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонлари, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бажариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 19 октябрдаги ПҚ-4865-сон “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги Қарорлари, “Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдевори” мавзусидаги маърузаси ҳамда бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.** XVIII–XIX асрлар Кўқон хонлиги худудидаги ижтимоий ҳаёт, маданият, санъат, фан ва адабиёт ривожига оид тадқиқотлар жаҳоннинг қатор етакчи илмий марказларида, жумладан, Оксфорд университети, Кэмбриж университети (Буюк Британия), The Roshan Institute for Persian Studies at the University of Maryland; Center of Near Eastern Languages and Civilizations, University of Chicago; Near Eastern Languages and Cultures Department, Ohio State University (АҚШ); İstanbul Üniversitesi, Ankara Üniversitesi, Gazi Üniversitesi (Туркия); Балх давлат университети (Афғонистон), Aligarh Muslim University, Dehli University (Ҳиндистон); Azərbaycan milli elmlər akademiyası Nizami adına ədəbiyyat İnstitutu va Z.Bünyadov adına Şərqsünaslıq İnstitutu (Озарбайжон); эл-Фараби атындағы Қазақ Ұлттық университети (Қозоғистон); Институт Востоковедения, Институт Азии и Африки при МГУ,

<sup>2</sup>Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи <https://arts.unimelb.edu.au/nceis>; <https://www.westernsydney.edu.au>; <https://slc.umd.edu/persian/about>; <http://nelc.uchicago.edu>; <https://nelc.osu.edu>; <http://ut.ac.ir>; <http://www.um.ac.ir>; <https://www.amu.ac.in>; <http://www.du.ac.in/du>; <http://www.istanbul.edu.tr/tr>; <https://www.ankara.edu.tr>; <http://gazi.edu.tr>; <https://www.orientalstudies.az/ru>; <http://literature.az/?lang=aze>; <http://www.kaznu.kz/ru>; [www.iaas.msu.ru](http://www.iaas.msu.ru); <https://www.ivran.ru>; <https://spbu.ru>; [www.orient.spbu.ru/ru](http://www.orient.spbu.ru/ru); <http://www.orientalstudies.ru>; <http://oriental-studies.org.ua/uk/home>; <http://zoa.dmt.tj>; <http://iza.tj/ru/institut-yazyka-literatury-vostokovedeniya-i-pismennogo-naslediya-im-rudaki>; <http://tashgiv.uz/ru>; <http://navoiy-uni.uz/uz-k>; <http://www.samdu.uz> ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

Восточный факультет при СПбГУ, Институт восточных рукописей в Санкт-Петербурге (Россия); Институт востоковедения АН Украины им. А.Крымского (Украина); Донишгоҳи миллии Тоҷикистон, Донишгоҳи давлатии Хужанд (Тоҷикистон); Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти, ЎзФА Шарқшунослик институти, Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Самарқанд давлат университети, Қўқон давлат педагогика институти, Андижон давлат университети (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Дунё адабиётшунослигида миллий адабиётларнинг пайдо бўлиши, шаклланиши ва ривожланиши тамойиллари, миллий адабиёт ва миллий давлатчилик тарихи, адабий турлар ва жанрлар эволюцияси, бадиий асар архитектоникаси, лингвопоэтикасига доир қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: мусулмон Шарқи минтақасида миллий адабиётларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг эволюцион тараққиёти, миллий, хусусан, ўзбек, турк, озарбайжон, форс-тожик, афғон, татар, араб адабиётининг ўзига хос хусусиятлари, адабий жанрлар ва турларнинг эволюцияси ва генезиси (Оксфорд университети, The Roshan Institute for Persian Studies at the University of Maryland, دانشگاه تهران, İstanbul Üniversitesi, Gazi Üniversitesi, эл-Фараби атындағы Қазақ Ұлттық университети, ЎзФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти, Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Самарқанд давлат университети, Қўқон давлат педагогика институти); жаҳон қўлёзмалари фондларида сақланаётган адабий манбаларни манбашунослик ва матншунослик нуқтаи назаридан тадқиқ этиш, уларнинг факсимиле нусхалари ва танқидий матнларини тайёрлаш ва нашр қилиш (эл-Фараби атындағы Қазақ Ұлттық университети, Институт Востоковедения, Институт Азии и Африки при МГУ, Восточный факультет при СПбГУ, Институт восточных рукописей в Санкт-Петербурге, ЎзФА Шарқшунослик институти, Тошкент давлат шарқшунослик университети, Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи, Самарқанд давлат университети, Қўқон давлат педагогика институти).

Жаҳон адабиётшунослигида адабий жараёнларни янги ёндашувлар ва техник имкониятлар ёрдамида тадқиқ этиш, миллий адабиётлар ва уларнинг замонавий ҳолати, адабиёт тарихи ва адабий сиймоларни ўрганиш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: қадимги ва замонавий адабиёт ва ундаги жараёнларни назарий-амалий белгилаш, ўрта асрлар адабиётининг тил хусусиятлари ва бугунги шеърининг лингвопоэтикаси муносабатларини аниқлаш ва сифатлаш; адабиётнинг мавзу қўламдорлиги, ғоявий-бадиий мундарижасини тарихий аспектда ўрганиш; шеър полифонияси ва рамзлар тилини тадқиқ этиш; миллий адабиёт намояндалари ижодида акс этган миллий менталитет, диний-фалсафий дунёқарашнинг ўзига хос хусусиятларини белгилаш; адабий манбаларнинг қўлёзмалар феҳристини тузиш; адабий манбаларни ўрганишда инновацион воситалардан фойдаланиш, хусусан, илмий-танқидий нашрларни тайёрлашда

компьютер технологияларига асосланган замонавий дастурлардан фойдаланиш; миллий адабиёт тарихига оид маълумотлар базасини янги фактик материаллар билан бойитиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбек мумтоз адабиётининг тарихи, унинг ривожланиш тамойиллари, миллий адабиёт ва ўзбек адабий тили тараққиёти муаммолари ҳар бир тарихий даврда тадқиқотчилар диққатини ўзига жалб қилиб келган. Айниқса, ўзбек адабиёти тарихида алоҳида бир босқични ташкил этган Қўқон адабий муҳити ҳамда Амирий, Гулханий, Нодира, қолаверса, Ғозий, Садоий каби шоирларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги хулосаларнинг кўпи илмий баҳс-мунозаларнинг асосий мавзуси бўлиб қолмоқда. Бу эса Қўқон адабий муҳити намояндаларининг ҳар бири ҳақида мукамал тадқиқот олиб бориб, мазкур жараённи тарихий-киёсий йўналишда ўрганишни тақозо этади.

Ўзбек адабиёти Алишер Навоий асос солган Ҳирот адабий муҳитидан кейин Қўқонда Амир Умархон ва унинг умр йўлдоши Моҳларойим Нодира замонида ривожланишнинг янги чўққисига кўтарилди. Ҳирот адабий муҳитидан афзал ўлароқ, Қўқон адабий муҳитида ўзбек тилида яратилган адабий асарларнинг салмоғи ҳамда ўзбекзабон шоирларнинг миқдори ошиб борди. Натижада ушбу даврда 20 дан ортиқ соҳибдевор ўзбек шоирлари мумтоз шеърятимизни бойитишга баҳоли қудрат ҳисса қўшдилар. Аммо бу шоирларнинг аксар қисмининг ижоди ҳалигача ўз тадқиқотчиларини кутиб қолмоқда. Бинобарин, мазкур адабий муҳитнинг намояндалари ҳисобланган Муҳаммад Ғозий ва Мирҳасан Садоий ижодининг мумтоз адабиётимиз тарихи ва Қўқон адабий муҳитида тутган ўрни ҳамда бу шоирлар ижодининг ўзига хослигини монографик планда тадқиқ этиш давр талабидир.

Ўрта асрлар қўлғезмалари ва рисоаларини тадқиқ этиш, қадимги давр ва ўрта асрларда ўзбек тилида яратилган адабий манбаларни ўрганиш, ўзбек мумтоз адабиёти намояндалари асарларида ғоявийлик ва бадиийлик, образлар тизими, бадиий воситалари ва адабий тил тараққиётини белгилаш бўйича жаҳон ва қардош халқлар адабиётшунослигида муайян илмий изланишлар олиб борилган.

Хорижий мамлакатлардан Германия, Россия Федерацияси, Туркия, Тожикистон, Қозоғистон олимлари ўз тадқиқотларида ўрта асрлардаги ўзбек адабиёти, айниқса Қўқон адабий муҳити иждокорларига оид манбалар, уларнинг умумтуркий адабиётнинг ривожига кўрсатган таъсири, мусулмон Шарқи минтақасида адабий алоқалар масаласи, туркий аруз ва қофиянинг ўзига хос хусусиятлари, бадиий услуб, анъана ва новаторлик, адабий таржима поэтикаси каби муаммоларни кун тартибига қўйиб, уларга доир ўз қарашларини билдириб ўтганлар<sup>3</sup>. Шунингдек, Қўқон хонлиги тарихи,

---

<sup>3</sup> Бабаджанов Б.М. Кокандское ханство: власть, политика, религия. Токио-Ташкент: TIAS, 2010. – С. 744; Levi S.C. The Ferghana Valley at the Crossroads of World History: The Rise of Khoqand, 1709–1822. *Journal of Global History* 2/2, 2007. – P.213-232; Bregel Y. Khoqand Khānate, *The Oxford Encyclopedia of the Modern Islamic World*, ed. by J. L.Esposito (Oxford, 1995), Vol.II. – P. 430-431; Бейсембиев Т.К. Кокандская историография: исследования по источниковедению Средней Азии XVIII-XIX веков. – Алматы, 2009.



ундаги ижтимоий-сиёсий шароит ва маданий муҳит ҳақида яратилган кўплаб тадқиқотларда ҳам биз ўрганаётган мавзуга доир айрим кузатишлар мавжуд<sup>4</sup>.

Кўқон адабий муҳити намояндаларининг ижодини тадқиқ этиш асосан Ўзбекистон ҳамда Тожикистон олимлари томонидан бажарилаётганини қайд қилиш жоиз. Ўзбекистонлик олимлардан Ғ.Каримов, П.Қаюмов, Т.Жалолов, А.Қаюмов, М.Қодирова, Ш.Юсупов, И.Ҳаққул, Н.Жабборов, М.Ҳамидова, А.Худойбердиев, Т.Қурбон, М.Шониёзов, О.Жўрабоев, А.Дехқонов, Д.Зоҳидова, А.Турдиалиев, И.Адизова, С.Эшонова, А.Муҳаммадиев, И.Сулаймонов, Қ.Пардаев, З.Қобилова каби олимлар Кўқон адабий муҳити ва унинг асосчилари – Амирий ва Нодира, бу адабий муҳитнинг намояндалари ҳисобланмиш Ҳувайдо, Фазлий, Залилий, Ҳазиний, Ғарибий, Муҳаййир, Нисо, Хоний, Увайсий, Муҳйи, Қорий, Фурқат, Муқимий, Маҳмуд Ҳаким Яйфанийларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида тадқиқотлар олиб борган бўлсалар<sup>5</sup>,

<sup>4</sup> Игамбердиев А., Амирсайдов А. История Кокандского ханства: Библиографический указатель с иллюстрациями. XVIII век – 1876 г. – Ташкент, 2007; Вохидов Ш.Х. XIX- XX аср бошларида Кўқон хонлигида тарихнависликнинг ривожланиши. – Тошкент, 2010; Эркинов А. Кўқон ҳукмдори Умархон (1810–1822) кутубхонаси масаласи // “Амирий ва Кўқон адабий муҳити” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари. Кўқон, 2017 йил, 8-9 август. Тошкент: Tamaddun, 2017. – Б. 66-69; Эркинов А. Кўқон ҳукмдори Умархоннинг (1810–1822) шахсий уч муҳри // Мерос. 2015, №2-3, 131-137; Эркинов А. “Олтин Бешик” афсонаси ва Дақоикий Самарқандийнинг “Бахтиёрнома” асари // Жаҳон адабиёти. 2014, 4-сон. – Б. 181-188; Эркинов А. Приключения “Золотой Колыбели”: легитимация власти в Кокандском ханстве при Умар-хане // Восток свыше. 2014, № 1-2 (XXXIII). – С. 54-69. Эркинов А. Рукопись на службе геополитики Кокандского ханства: Мухаббат-нама как дипломатический подарок ‘Умар-хана (1810–1822). османскому султану Махмуду II (1808–1839). // Тезисы Санкт-Петербург. Восточный факультет СПбГУ. XXVII Международная научная конференция по источниковедению и историографии стран Азии и Африки “Локальное наследие и глобальная перспектива” “Традиционализм” и “революционизм” на Востоке. 24–26 апреля 2013. – С.109-110; Эркинов А. Темурийлар – Кўқон хонлиги сулолавий легитимацияси учун модел сифатида (XIX – XX аср боши сарой баёзлари мисолида) // Шарқшунослик. 2011, №15. – Б. 20-33; Erkinov A. Fabrication of Legitimation in the Khoqand Khanate under the Reign of ‘Umar-khān (1225–1237/1810–1822): Palace Manuscript of “Bakhtiyār-nāma” Daqāyiqī Samarqandī as Source for the Legend of Āltūn Bīshīk // Manuscripta Orientalia. International Journal for Oriental Manuscript Research. 19/2 (Helsinki-Saint-Petersburg, 2013). P.3-18. Erkinov A. Les Timourides, modèles de légitimité et les recueils poétiques de Kokand. in: Écrit et culture en Asie centrale et dans le monde turko-iranien, XIVe-XIXe siècles // Writing and Culture in Central Asia and in the Turko-Iranian World, 14th-19th Centuries, F. Richard and M. Szuppe (eds.), [Cahiers de Studia Iranica 40], Paris: AAEI, 2009. P. 285-330.

<sup>5</sup> Абдуллаева Д. Усмонхўжа Зорий ҳаёти ва ижоди: Фил.ф.н. ...дис. автореф. – Тошкент, 2003; Абдуллаев Р. Амирушшуаро Муиззийнинг ижодий маҳорати: Фил.ф.н. ...дис. автореф. – Самарқанд, 2000; Жабборов Н. Фурқатнинг хориздаги ҳаёти ва ижодий мероси: манбалари, матний тадқиқи, поэтикаси. Фил.ф.д-ри. ... дисс. – Тошкент, 2004; Дехқонов А. Муҳаййирнинг ҳаёти ва ижоди. Фил.ф.н. ... дис.автореф. – Тошкент, 2007; Жумахўжа Н. Миллий мустақиллик мафқураси ва адабий мерос (XVII-XIX асрлар ўзбек шеърятини асосида) Фил.ф.д-ри. ...дисс. автореф. – Т., 1999; Жўрабоев О. Ҳазиний Хўқандий ҳаёти ва ижодий мероси: Фил.ф.н. ...дис. автореф. – Т.: 2003; Жўраев Ж. Жунуний ва унинг «Рисолаи муаммо» асари: Фил.ф.н. ...дис. автореф. – Тошкент, 1998; Зоҳидова Д. Ғарибий ва унинг девони: Фил.ф.н. ...дис. автореф. – Тошкент, 2006; Каримова Д. Мирзо Содик Мунший Жондорий адабий меросининг жанрий таркиби ва бадиияти: Фил.ф.н. ...дис. автореф. – Самарқанд, 1997; Муҳаммадиев А. Муҳйининг туркий ва форсий девони поэтикаси: Фил.ф.н. ...дис. автореф. – Самарқанд, 2008; Равшанов Ф. Холис ва унинг адабий мероси: Фил.ф.н. ...дис. автореф. – Тошкент, 1997; Сулаймонов И. Мулла Маҳмуд Қорий ва унинг поэтик мероси. Фил.ф.н. ...дис. автореф. – Самарқанд, 2010; Турдиалиев А. Маҳмуд Ҳаким Яйфаний адабий ва илмий меросининг манбалари: Фил.ф.н. ...дис. автореф. – Тошкент, 1997; Худойбердиев А. Жизнь и творчество Ходжаназара Хувайдо. Фил.ф.н. ...дисс. – Тошкент: 1990; Эшмонов Ф. Мужрим – Обиднинг туркий ижодиёти: Фил.ф.н. ...дис. автореф. – Тошкент, 2002; Эшонова С. XX аср бошларидаги Кўқон шоирлари (Нисо ва Хоний): Фил.ф.н. ...дис. автореф. – Тошкент, 2006; Эшонкулова С. Нодира шеърятини тарихий образлар. Фил.ф.н. ...дис. автореф. – Самарқанд, 2011; Қодирова М. Иброҳим Даврон ва унинг адабий мероси. Фил.ф.н. ...дис. автореф. – Тошкент, 2005; Қобилова З. Амирий ва унинг адабий фаолияти: Фил.ф.н. ...дис... – Тошкент, 2007; Қобилова З. Бадиий ижодда таъсир ва издошлик масалалари (Амирий шеърятини мисолида). Фил.ф.д. (DSc) дисс... – Т., 2021; Адизова И. Увайсий шеърятини поэтик тафаккурнинг янгиланиши. Фил.ф.д. (DSc) дисс... – Т., 2020.

тожикистонлик олимлардан Э.Шодиев, Э.Ражабов, С.Тилабов, З.Саъдуллаева, М.Неъматова, Н.Охунжонова, З.Ўлмасовалар Кўкон адабий муҳитига дахлдор бўлган хўжандлик ижодкорлар Нозил Хўжандий, Шайдо Хўжандийларнинг адабий мероси, шунингдек, зуллисонайлик анъанаси, ўзбек-тожик адабий алоқалари, ўша давр шеърятининг бадиияти каби масалалар бўйича тадқиқотлар олиб боришган<sup>6</sup>.

ЎзФА Тил ва адабиёт институти илмий ходимлари томонидан тузилган «Асрлар нидоси» тўпламида Садоий асарларидан намуналар келтирилган.<sup>7</sup>

Ўзбек Совет энциклопедияси<sup>8</sup> ва Ўзбекистон Миллий энциклопедияси<sup>9</sup>да Садоий ҳақида қисқача маълумот бериш билан чекланилади. Диссертант томонидан Мирҳасан Садоийнинг ҳаёти ва адабий меросига бағишланган монографик тадқиқотлар олиб боришган<sup>10</sup>.

XIX аср тарихнавис олимаси ва шоираси Дилшод Барнонинг «Тарихи муҳожирон» («Муҳожирлар тарихи») асарининг ўзбек ва тожик тилидаги нусхаларида ҳам ўша даврнинг кўзга кўринган шоирлари қаторида Садоий эслаб ўтилади.

Ғозий ижодий мероси таниқли адабиётшунос олим академик А.П.Қаюмов тамонидангина ўрганилган. Шундан сўнг бу мавзуга мурожаат этилмаган. Олим XX аср ўрталарида ЎзФА ТАИ томонидан нашр этирилган «Ўзбек адабиёти тарихи» беш томлигида<sup>11</sup> ва асримиз бошларида чоп этилган олим асарлари ўн томлигида<sup>12</sup> Ғозий ижоди ҳақида мақолалар эълон қилган. У 1959 йилда «Ғозий» номли монографиясини нашр эттирди.<sup>13</sup> Янги давр адабиётшунослиги Ғозий ижодий меросига ҳам ўз муносабатини билдириши лозим.

Бироқ Кўкон адабий муҳитида ўз ўрнига эга бўлган Мирҳасан Садоий ва Ғозий Хўқандийларнинг адабий мероси, ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида яхлит ва аниқ маълумот берувчи, уларнинг ижодидаги ўзига хос бадиий хусусиятлар, лирик меросининг ғоявий-бадиий мундарижаси, поэтик жиҳатлари, давр адабий муҳитига кўрсатган таъсири ва баҳрамандлиги ҳақида яхлит тадқиқот амалга оширилган эмас. Айнан мана шу адабий жараён тарихийлиги контекстида Кўкон хонлиги даврида адабий жараён тадрижи яхлит ҳолда фундаментал ўрганилмаганлиги ҳамда XVIII асрнинг охиридан XX асрнинг бошларигача давом этадиган бу даврнинг маданияти сатҳида миллий адабиёт тараққиёти масалалари унинг мустақил илмий

<sup>6</sup> Ражабов Э. "Маджмуат-уш-шуаро" Фазли Намангони и традиции составления тазкире в таджикской литературе XIX - начала XX вв. автореферат к.ф.н. дисс....– Душанбе. 2013. \ \ Ўлмасова З. Дузабонӣ ҳамчун муҳимтарин шакли равобити адабиёти тоҷику ўзбек. Филол. ф.ф.н. дисс... автореферат.– Хўжанд. 1998.

<sup>7</sup> Асрлар нидоси. Шеърлар. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1982, 334–372-бетлар.

<sup>8</sup> Ўзбек Совет энциклопедияси. 14 жилдлик. 9-жилд, –Т. 1977, – 427 б.

<sup>9</sup> Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 12 жилдлик. 7-жилд. –Т.: “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти”. 1999, – 415 б.

<sup>10</sup> Мирҳасан Садоий. Девон. Нашрга тайёрловчи Мухитдинова Н.М. – Тошкент: MUMTOZ SO`Z, 2010. – 168 б.; Мухитдинова Н. Мирҳасан Садоийнинг адабий мероси. Монография. – Тошкент: MUMTOZ SO`Z, 2015. – 146 б.; Мирҳасан Садоий ва унинг адабий мероси. Филол. ф.ф.д. (PhD) дисс... автореферат.– Самарқанд. 2017. – 48 б.

<sup>11</sup> Ўзбек адабиёти тарихи. V томлик. 4-том. –Тошкент: Фан, 1978,77-б.

<sup>12</sup> Қаюмов А. Асарлар. Кўкон адабий муҳити. X жилдлик. 7-жилд. –Тошкент: Mumtoz so`z, 2010. 41-б.

<sup>13</sup> Қаюмов А. Ғозий. –Тошкент. ЎзФА, 1959. – Б. 142

объект сифатида тадқиқ қилинишини тақозо этади. Шунга кўра, тадқиқотда бу даврда яшаб ижод қилган Ғозий, Саодий каби шоирларнинг адабий меросини ўрганиш ва ўзбек миллий адабиётдаги мақомини белгилаш асос қилиб олинган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Самарқанд Давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасининг 2016-2021 йилларга мўлжалланган “Алишер Навоий ижоди ва адабий таъсир масалалари” мавзуидаги (Рўйхатга олинган рақами №SFil-01) илмий ишлар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** XVIII-XIX асрларда Кўкон адабий муҳити намояндалари – Ғозий, Саодийларнинг лирик меросини тадқиқ этиш ҳамда уларнинг салафлар анаъаналарига муносабатини таҳлил қилиш орқали бу икки ижодкорнинг адабиёт тарихида тутган ўрнини белгилаш, уларнинг ижодида ирфоний ғояларнинг бадиий такомилени ўрганишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Кўкон адабий муҳитининг ўзига хос хусусиятларини янги манбалар асосида очиб бериш;

XVIII-XIX асрлар ўзбек мумтоз адабиётида Кўкон адабий муҳити намояндалари Ғозий Хўқандий ҳамда Мирҳасан Саодий ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот камлигини ҳисобга олиб, имкон қадар уларнинг илмий биографиясини яратиш, давр адабий жараёни ривожига қўшган ҳиссаларини аниқлаш;

Ғозий ва Мирҳасан Саодийнинг кўлөзма ва тошбосма ҳолида мавжуд бўлган барча асарларини излаб топиш, изоҳлар ва шарҳлар билан таъминлаган ҳолда илмий муомалага киритиш;

Ғозий Хўқандий ва Мирҳасан Саодий адабий меросининг жанрий ва ғоявий-бадиий хусусиятларини адабий муҳитда мавжуд тенденцияларга боғлиқ равишда белгилаш;

Мирҳасан Саодий ва Ғозий асарларидаги фалсафий-ирфоний, диний-тасаввуфий қарашларидаги анъанавийлик ва ўзига хосликларни Алишер Навоий, Фузулий ва Машраб каби салафлари ҳамда Хувайдо, Нодира каби замондош шоирлар ижоди билан қиёсий таҳлил асосида очиб бериш;

Ғозий Хўқандий ва Мирҳасан Саодийлар ижодий маҳоратининг асосий қирралари ҳамда услубий-поэтик хусусиятларини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида ЎзФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Кўлөзмалар фондининг Ҳамид Сулаймонов бўлимида 2619/1 инвентар рақамлари билан сақланаётган Саодий девони кўлөзма нусхалари, шунингдек, 1915 йили Тошкентда «Гулям Хасан Арифжанов» нашриётида чоп этилган 155-инвентар рақамли тошбосма нусхалар тадқиқот объекти бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари, ушбу фондда 12457-инвентар рақамли уч қисмдан иборат йиғма девоннинг иккинчи қисмида ҳам Саодийнинг айрим ғазаллари киритилган. Бу девон 12457/II инвентар рақами билан сақланмоқда. Ғозий девонлари ичида энг

мукаммали ва муайян тартиб билан ёзилгани ЎзФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти 121-рақамли қўлёзмаси олинган.

**Тадқиқотнинг предметини** Қўқон адабий муҳитининг намояндалари – Ғозий Хўқандий ҳамда Мирҳасан Садоий адабий меросини илмий методлар асосида таҳлил ва тадқиқ этиш ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида қиёсий-тарихий, биографик, тизимлаштириш ва индуктив каби усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Қўқон адабий муҳиtida мавжуд анъана ва адабий ҳодисалар “Таждид ун-назм”, “Девони Ғозий” каби янги манбалар, шунингдек, татаббуъ, манқабат, ҳамд, наът, муножот, мавъиза, тахмис каби мумтоз адабиётга хос бўлган тушунчалар асосида очиб берилган;

XVIII-XIX асрлар биринчи ярми Қўқон адабий муҳитининг ёрқин вакили ҳисобланмиш Ғозий Хўқандий девонининг мавжуд қўлёзмалари матншунослик мезонлари асосида жорий алифбода нашрга тайёрланиб, унинг таржимаи ҳоли ва ижодий биографияси бизгача етиб келган манбалар асосида шакллантирилган;

Мирҳасан Садоий девонининг ғоявий-бадий мундарижаси, бадий-эстетик асослари, тематик ранг-баранглиги оригиналлик ва издошлик масалалари аспектида; мумтоз шеърят ривожига кўрсатган ижобий таъсири давр адабий мезонлари замирида асосланган;

XVIII-XIX асрлар биринчи ярми ўзбек миллий адабиётида ижтимоий ҳодисаларнинг бадий ифодаси, фалсафий-ирфоний ғояларнинг талқинида дарвешлар, шайхлар, тасаввуф муҳиблари ҳамда аёллар шеърятининг ўзига хос жиҳатлари, адабиёт ва миллий ўзликни англаш масалалари Қўқон адабий муҳити намояндалари шеърятти мисолида далилланган;

Ғозий ва Садоийнинг лирик меросида салафлар анъаналарининг поэтик тақомили, жанр хусусиятлари, туркий аруз ва илми бадиёдаги янгилинишлар шеършунослик ва лингвопоэтик қонуниятлар асосида аниқланган;

Ғозий ва Садоий шеъряттида бир адабий муҳит доирасида ижод қилган шоирлар, миллий адабиёт вакиллари ва қардош халқлар адабиёти йирик намояндалари анъаналарининг бадий тақомили жанрий, ғоявий-бадий жиҳатдан очиб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Мирҳасан Садоий ва Ғозий Хўқандийнинг бизгача етиб келган девонлари қўлёзма, литографик нусхалари аниқланган ва тизимлаштирилган;

Қўқон адабий муҳитида ижод қилган шоирларнинг адабий-ирфоний қарашлари ягона илдизларга эга бўлиб, улар яхлит ҳолда мавжуд бўлганлиги ва бир маданий-адабий муҳит маҳсули эканлиги исботланган;

давр ва муҳитга мансуб ўзбек ва форс-тожик тилларида яратилган лирик асарларнинг ривожланиш омиллари қиёсий-тарихий жиҳатдан аниқланган;

давр ижодкорлари томонидан яратилган лирик асарларнинг Шарқ мумтоз адабиёти тараққиётида тутган ўрни белгиланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ўзбек мумтоз адабиёти, хусусан Қўқон адабий муҳитида яшаб ижод қилган шоирларнинг меросига

оид юртимиз, хорижий мамлакатлар олимларининг фундаментал илмий-назарий қарашлари ўрганилганлиги, тадқиқот доирасига бирламчи адабий ёзма ёргорликлар, хусусан Шарқшунослик институти Қўлёзмалар фондининг Хамид Сулаймонов бўлимида 2619/1 инвентар рақамлари билан сақланаётган Садоий девони қўлёзма нусхалари, шунингдек, Ғозий Хўқандийнинг ЎзФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти 121-рақамли қўлёзмаси жалб этилганлиги ва улардан фойдаланилганлиги, тадқиқот хулосалари ва тавсиялари амалиётга татбиқ этилгани билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўзбек ва Шарқ мумтоз адабиёти, хусусан Қўқон адабий муҳитига оид қарашлар, илмий муомалага киритилган ва нашр қилинган манбалар ҳақидаги назарий хулоса ва тавсиялардан соҳага оид илмий-тадқиқот ишларни такомиллаштириш, адабиётшунослик йўналишини янада жадаллаштириш, мавзуга оид тадқиқот ва монографиялар яратиш, адабий алоқалар ва адабий таъсир масалаларини тадқиқ этишда илмий-назарий манба сифатида хизмат қилиши билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертация хулосалари ва тавсияларидан ўзбек адабиёти тарихи, мумтоз поэтика асослари фанларидан инновацион дарслик ва ўқув қўлланмаларини яратиш, маъруза ва семинар машғулотлари мазмунини такомиллаштириш, факультатив дарслар ва махсус курслар ишлаб чиқиш, ўзбек ва форс мумтоз адабиётлари тарихи, жаҳон адабиёти каби фанлар мазмунини назарий хулосалар билан такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларнинг жорий қилиниши.** Диссертацияда ишлаб чиқилган назарий ва амалий хулоса, тавсия ва ишланмалар асосида:

Қўқон адабий муҳитида мавжуд анъана ва адабий ҳодисаларни “Таждид ун-назм”, “Девони Ғозий” каби янги манбалар, шунингдек, татаббуъ, манқабат, ҳамд, наът, муножот, мавъиза, тахмис каби мумтоз адабиётга хос бўлган тушунчалар асосида таҳлил қилиш ҳақидаги назарий хулосалардан ФА-Ф1-ОО5 “Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослигини тадқиқ этиш” мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (ЎзР ФА Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 12 июлдаги 17.01/151-сон далолатномаси). Тадқиқот натижалари девонларнинг мумтоз шеърий ривожига кўрсатган ижобий таъсири давр адабий мезонлари замирида шаклланилганлиги хусусидаги мулоҳазаларни далиллашга хизмат қилган;

замонавий адабиётшуносликда Ғозий ва Садоий лирик меросида салафлар анъаналарининг поэтик такомилли илк марта девонлардаги жанрий хусусиятлар, татаббуънавислик, тахмисчиликни лингвопоэтик қонуниятлар орқали очиб бериш ҳақидаги хулоса ва умумлашмалардан ФА-Ф1-ГОО2 “Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанрларининг назарий масалаларини тадқиқ этиш” мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (ЎзР ФА Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 12 июлдаги 17.01/151-сон далолатномаси). Илмий натижанинг амалиётга татбиқ этилиши Ғозий ва Садоийнинг лирик меросида салафлар анъаналарининг поэтик такомилли,

жанр хусусиятлари, туркий аруз ва илми бадиъдаги янгиланишларни шеършунослик жиҳатдан асослашга муҳим асос бўлиб хизмат қилган;

XVIII – XIX асрлар биринчи ярми ўзбек миллий адабиётида анъана ва ходисаларнинг бадиий ифодаси, бадиий ижодда фалсафий-ирфоний ғояларнинг талқинида дарвешлар, шайхлар, тасаввуф муҳиблари ҳамда аёллар шеъриятида ўзига хос жиҳатлари, адабиёт ва миллий ўзлиқни англаш масалаларини Қўқон адабий муҳити намояндалари шеърияти мисолида далиллаш ҳақидаги хулосалардан “Умрбоқий мерос” Ўзбекистон маданият ва санъат тарғибот маркази ўтказиб келаётган маънавий-маърифий тарғибот тадбирларида фойдаланилган (Ўзбекистон маданият ва санъат тарғибот марказининг 2021 йил 12 июлдаги 01/01-23 сон маълумотномаси). Илмий натижанинг амалиётга татбиқ этилиши шоирлар шеъриятидаги илмий-маърифий ғояларнинг ижтимоий-маданий аҳамиятини асослашга муҳим асос бўлиб хизмат қилган;

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “Ўзбекистон тарихи” каналида “Тақдимот” кўрсатувида Мирҳасан Садоий ҳаёти, ҳамда адабий меросининг ғоявий-бадиий хусусиятларининг ўзбек мумтоз адабиётида тутган ўрни ва унинг оммавий ахборот воситаларида кенг татбиғи асосида амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2019 йил 11 ноябрдаги 02-40 – 2355 сон маълумотномаси). Тадқиқотдаги маълумотлар миллий-маънавий меросни тарғиб қилишга қаратилган кўрсатувлар сценарийсини бойитишга хизмат қилган;

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “Маҳалла” радиоканали орқали берилган “Адабиёт гулшани”, “Китоб ва келажак”, “Ижодий учрашувлар” каби эшиттиришларда XVIII – XIX асрлар адабий-маданий муҳитида аёллар шеърятининг тутган ўрни, Муҳаммад Ғозий ва Мирҳасан Садоий тасаввуфий-ирфоний асарларининг замонамиздаги аҳамияти хусусидаги илмий натижалардан фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2021 йил 09 июлдаги 01-04 – 518 сон маълумотномаси). Тадқиқотдаги маълумотлар миллий-маънавий меросни тарғиб қилишга қаратилган кўрсатувлар сценарийсини бойитишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 18 та илмий-амалий анжуман ва семинарларда, жумладан, 12 та халқаро конференцияларда апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича умумий 40 та нашр, жумладан, 1 та монография, 1 та ўқув-услубий қўлланма, 38 та илмий мақола, улардан, 5 та нуфузли хорижий журналлардаги нашрлар ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, 22 та халқаро ва республика конференциялардаги нашрлардан иборат.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация кириш, тўрт асосий боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, ишнинг умумий ҳажми 245 саҳифани ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**XVIII ва XIX аср биринчи ярми ўзбек шеъриятининг давр маданий-адабий муҳиtida тутган ўрни**» деб номланган. Боб икки фаслга бўлинган.

Биринчи фасл «*Қўқон адабий муҳити вакилларининг XVIII ва XIX аср биринчи ярми ўзбек шеърияти тараққиётига қўшган ҳиссаси*» деб номланиб, унда XVIII-XIX аср биринчи ярми ўзбек шеъриятининг давр адабий муҳиtida тутган ўрни, бу давр шеърияти намояндалари ижодида анъанавийлик ва ўзига хослик билан боғлиқ масалалар тадқиқ этилган.

Ўзбек адабиётшунослигида XVIII-XIX асрлар ўзбек маданий-адабий ҳаёти тараққиёти ва хусусиятларини ўрганишга бўлган қизиқиш XX аср ўрталаридан бошлаб шаклланди. Адабиётшунос ва тарихшунос олимларнинг асосий илмий кузатувлари мазкур даврда яратилган адабий манбаларни аниқлаш ва уларни чуқур ўрганишдан иборат эди. Давр адабий ҳаёти ҳақида маълумот берувчи адабий манбалар асосан тазкиралар ва баёзлардан иборатлиги аниқланди. Шу билан бирга бу даврда етишиб чиққан шоир, адибларнинг бадиий ва илмий асарлари танқидий матнларини яратиб, нашр эттириш, уларни илмий тадқиқ қилиш соҳасида ҳам катта ишлар амалга оширилди.

Аввало, бу давр бадиий насри намунаси бўлмиш тарихий асарлар, тазкиралар, “Шоҳнома” йўналишида ёзилган маснавийлар ҳаётий реал воқеалар ва тарихий шахслар ҳақида аниқ илмий маълумотлар бериши билан фаркланади. Бундай асарлар Қўқон хонлигида бир аср давомида анчагина яратилган: Фазлий бошлиқ муаллифлар гуруҳининг “Мажмуаи шоирон” тазкираси, Ҳакимхон Тўранинг “Мунтахаб ут-таворих”, Имомали Қундузийнинг “Таворихи манзума”, Мирзаолим Мушрифнинг “Ансоб ус-салотин ва тавориқи ҳавоқин”, Мушриф Исфарагийнинг “Шаҳномаи нусратпаём”, Мутриб ва Андалибларнинг “Шаҳнома”лари, Муҳаммадамин домулла Рўзи бин Муҳаммад Атторнинг “Тухфат ут-таворих”, Мулла Ниёзмухаммад ибн Авазмухаммаднинг “Тарихи Шоҳрухий”, XX аср бошларида яратилган, аммо XIX аср биринчи ярмидаги сиёсий ва маданий ҳаёт ҳақида ҳам маълумотлар бор бўлган Исҳоқхон Тўранинг “Тарихи Фарғона”, Пўлатхон домулло Қаюмийнинг “Тазкираи Қаюмий” каби асарлар шулар жумласидандир.

3. Қобилова Қўқон адабий муҳитининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида фикр юритар экан, бу давр учун хос бўлган 7 та хусусиятни санаб ўтади<sup>14</sup>. Биз ушбу хусусиятларга қўшимча равишда бу даврда сатира оҳанглирининг кучайгани, баёзчиликнинг тараққий этгани ҳамда ирфоний ғояларнинг етакчи аҳамиятга эга эканини таъкидлаб ўтмоқчимиз. Бу даврда Навоий, Турди, Машраб ижодий анъаналарига эргашиб, Махмур, Гулханий, Ғозий, Маъдан каби шоирлар ижод қилдилар. Уларнинг ижодларида сатира етакчи ўрин эгаллади. Махмур, Маъдан, Ғозий шеърятти шу нуқтаи назардан ҳамоҳанг эди. Гулханий “Зарбулмасал” асарида Махмур ижодий анъаналарини давом эттирди. Бу шоирлар ижодида сатира сиёсий ва ижтимоий нотинчликлар, адолатсизликка қарши ғазабкор руҳни ифодалади, ўз давридаги мавжуд ҳолатни акс эттириш жиҳатидан оригинал хусусиятларга эга бўлди. XVIII аср ўрталарида шоирлар Роқим, Равнак, Андалиб, Нишотий, Ҳувайдо ижодларида ҳам сатира етакчи мавқе эгаллар эди. Биргина Махмурнинг “Ҳапалак”, Гулханийнинг “Зарбулмасал” асарлари мисолида кўрадиган бўлсак, сатира асосан оддий халқ манфаатларини ҳимоя қилиш натижасида юзага келар, ғоявий ва бадиий жиҳатдан такомил топиб борар эди.

XVIII-XIX асрларни Қўқонда баёзчилик энг тараққий этган давр деб айтиш мумкин. Бу давр баёзларида XV асрда ижод қилган шоирлар асарлари билан бирга, XVI-XVIII асрнинг машҳур ижодкорлари Бобур, Ҳилолий, Кашмирий, Шавкат Бухорий, Мушфиқий, Бедил, Машраб асарларига ҳам кенг ўрин ажратилар эди. Қўқон адабий муҳитида кенг ривожланган зуллисонаинлик анъанаси миллий адабиётлар ўзаро алоқаси ва ўзаро таъсири мураккаб жараёнининг қирраларидан биридир. Бу ҳодиса баёзчиликда ҳам ўз аксини топди ва адабиётнинг ижтимоий ҳаётдаги ролини белгиловчи ҳодисалардан бирига айланди.

Бобнинг иккинчи фасли «*Маърифий қарашларнинг бадиий талқинида анъана ва ўзига хослик*» деб аталган. Қўқон адабий муҳитининг ўзига хос мавзу йўналиши жанрлар ранг-баранглиги асосида шаклланган чуқур ирфоний моҳиятнинг тадқиқи асосида гавдаланади. Тадқиқотимиз объекти бўлган Садоий ва Ғозий шеърятининг бадиий такомиллини ўрганишда шу даврнинг феномен шоирлари бўлмиш Ҳувайдо, Нодирабегим каби ижодкорлар яратган адабий мактаб, муҳит ўзанларининг ўзига хос хусусиятлари асосида қиёсий, илмий-адабий таҳлил этишни лозим топдик. Ушбу давр намояндалари асарларида ўзбек мумтоз адабиётининг сарчашмаларидан суғорилган ирфоний-тасаввуфий моҳият ўзига хос тафаккур, мавзу, ғоя ва йўналишлар асосида бўй кўрсатди. Даврнинг ижтимоий-маърифий тақозосига кўра, Марказий Осиё халқлари дунёқарашида руҳий тарбиянинг асосий воситаси сифатида кенг тарқалган тасаввуф ғояларининг бадиий ифодаси ижодкорлар ғоявий-бадиий услуби сифатида гавдаланади. Ирфоний шеърятда образ ва тимсолларнинг бадиий

---

<sup>14</sup> Қаранг: Қобилова З. Бадиий ижодда таъсир ва издошлик масалалари (Амирий шеърятти мисолида). Фил.ф.д. (DSc) дисс... автореферати. – Т., 2021. – Б.17



талқини, қаҳрамон – шоир руҳияти, эътиқоди ва йўналиши индивидуаллиги асосида шаклланди.

Ирфоний-тасаввуфий ғоялар Қўқон адабий муҳитида яратилган бадиий асарларда асосан бешта ҳолатда намоён бўлиши аҳамиятга молик: 1) мазкур даврда тасаввуф тариқатида шайхлик мақомига эришган зотларнинг соф ўзбек тилида яратилган ирфоний-адабий асарлари мавжудлиги (Хувайдо); 2) мазкур адабий муҳитда Моҳларойим Нодира шарофати билан ўзбек аёллар шеърияти йўналиши пайдо бўлиши ва бу шеъриятда диний-тасаввуфий мотивлар ҳам устуворлик касб этгани (Увайсий, Нодира); 3) ўзбек мумтоз шеъриятида муридлик мақомида бўлган солиқларнинг кечинмалари бадиий тарзда ўз ифодасини топгани (Садойй); 4) мажзуб дарвешларнинг ҳол ва кайфияти ўзбек тилидаги адабиётда баён этилгани (Машраб); 5) тасаввуфий образ ва тимсоллардан ўзининг ахлоқий-дидактик қарашларини ифодалаш йўлида маҳорат билан фойдаланган шоирларнинг мавжудлиги (Ғозий) ушбу мавзунини чуқур ва ҳартомонлама ўрганишни тақозо этади. Диссертацияда мазкур беш ҳолат конкрет мисоллар билан ўхшаш ва фарқли жиҳатлари кўрсатилган ҳолда таҳлил қилинди.

Иккинчи боб «**Муҳаммад Ғозий ва Мирҳасан Садойй ижоди Қўқон адабий муҳити кесимида**» деб номланган. Боб уч фаслга бўлинган. «*Ғозий ҳаёти ва ижодий фаолиятини ёритувчи манбалар таҳлили*» деб ном олган биринчи фаслда XVIII аср охири – XIX аср биринчи ярми Қўқон адабий муҳитининг кўзга кўринган йирик вакиллари билан бири Муҳаммад Ғозий Хўқандий ҳаёти ва ижоди манбалар ва ўзи тартиб берган девони асосида ўрганилган. Ғозий ўз даврининг Акмал, Махмур, Маъдан, Гулханий, Хозиқ каби илғор фикрли ижодкорларидан бири эди. Шоир ҳаёти ва ижодиёти ҳақида ягона илмий тадқиқот яратган олим А.Қаюмов ўзбек адабиёти тарихини ўрганишда Ғозий ижодининг тутган ўрни ва аҳамияти ҳақида шундай ёзади: «Ғозийнинг социал мазмундаги шеърий асарлари XVIII асрнинг иккинчи ярми ва XIX асрнинг бошларидаги ижтимоий ҳаётнинг реал картинасини очишда ёрдамлашади, адабий ҳаётда мавжуд бўлган турли йўналишларнинг моҳиятини тўлароқ англашга имкон беради»<sup>15</sup>.

Ўтмиш тарихнавис ва тазкиранависларининг шу даврга оид асарларида, хусусан, Қори Раҳматуллоҳ Возеҳнинг «Тухфатул-аҳбоб фи тазкират-ил-асҳоб» асарида, «Тазкираи Афзалий»да, халқимиз ва адабиётимиз тарихига оид бошқа тазкираларда ҳам Ғозий тўғрисида ҳеч қандай маълумот учрамайди. Фақат икки мўътабар қўлёзма асар – 1821 йили Қўқонда тузилган Абдулкарим Фазлий Намангонийнинг «Мажмуаи шоирон» тазкираси ва 1950-1953 йилларда қўқонлик Пўлатжон домудла Қаюмов тузган «Тазкираи Қаюмий»да шоир ҳаёти ва ижодига оид айрим маълумотлар учрайди.

Манбаларнинг кўрсатишича, шоир Ғозийнинг мухтасар таржимаи ҳоли қуйидагича: у XVIII аср охирида Қўқон атрофларидаги қишлоқлардан бирида таваллуд топган. Бухоро мадрасаларидан бирида ўқиган, сўнгра Қўқон шаҳридаги Мадрасаи Мирда мударрислик қилган. Бир муддатдан

<sup>15</sup> Қаюмов А. Ғозий. – Тошкент: ЎзФА, 1959. – Б. 25.

сўнг, Бухородан Устод Муҳаммад Яъқуб деган бир мударрис келгач, Қўқонда муфтийлик вазифасида ишлаган. Шоирнинг оилавий аҳволи ва қариндош-уруғлари ҳақида маълумот жуда кам, фарзандлари – уч ўғли бўлганлиги ва уларнинг жуда барвақт оламдан ўтганлиги ҳақида маълумотлар ўзининг шеърӣ асарларида мавжуд. Қаюмӣ тазкирасида шоирнинг вафот йили 1818 йил, деб кўрсатилади<sup>16</sup>.

Ғозӣ ҳаёти, оиласи, фарзандлари, уни қуршаган муҳит ва унинг вакиллари, баъзи бир тарихӣ воқеа ва ҳодисалар, шоир дунёқараши ва ғоявий интилишлари, ўзи мансуб бўлган ижтимоӣ ҳаётдан талаблари, мақсад ва орзу-умидлари ҳақида анча муфассал берувчи манба, албатта, шоирнинг ўзи тартиб берган девонидир.

Бизни қизиқтирган маълумотлар унинг таърих шеърларида баён этилган. Девондан 10 таърих ўрин олган. Ғозӣ қаламига мансуб таърихлардан 7 таси бир амир ва унинг хизматлари таъриф тавсифига, 1 таърих Хожасафдар номли шахснинг онахони («модархони») вафоти муносабати билан, 1 таърих ўз фарзандларининг вафот йилларида ва 1 таърих ўз ҳоли баёни муносабати билан ёзилган. Таърихларнинг барчаси форс-тожик тилида битилган бўлиб, Ғозӣ ҳаёти ва фаолиятининг баъзи тафсилотларига ишора этувчи маълумотлар беради. Шоирнинг оилавий ҳаётига доир маълумотлардан яна бири шуки, унинг аввал икки фарзанди чечак касалидан вафот этган бўлсалар, Авлиёхон исмли ўғли ҳам «навраста» – ўсмир ҳолида дунёдан кўз юмади.

Девондаги таърихларнинг шаклий хусусиятларини ўрганганимизда, уларнинг қуйидаги шеърӣ шаклларда яратилганлиги маълум бўлди: мураббаъ, ғазал, рубоӣ, қитъа, фард. Бу ҳол шоир муайян воқеа ёки ҳодисанинг санасини кўрсатишда турли шеърӣ шакллар имкониятидан маҳорат билан фойдаланганини кўрсатади.

Муҳаммад Ғозӣ Хўқандӣ Қўқон хонларидан Норбўтабий даврида ёшлик айёмини ўтказиб, Олимхон хукмронлиги йилларида кексалик ёшига етган. Тарихнавис манбалар ва шоир девонидан жой олган асарларда келган маълумотларга кўра, Амир Умархон ва Нодирабегим ҳокимиятлари бошларида ҳам шоир ҳаёт бўлган. Унинг девонида Олимхоннинг ўлдирилиши ва Умархоннинг унинг ўрнига тахтга чиқиши ҳақидаги шеър бор. Шунга кўра, Ғозӣ Фазлий ўз тазкирасини ёзаётган йилларда, яъни 1821-1822 йилларда вафот этган, деган фикрга келиш учун асос бор. Шоирдан икки тилда (форс-тожик ва ўзбек) ва 9 лирик жанрда ёзилган асарлардан иборат девон мерос бўлиб қолган.

Бобнинг иккинчи фасли «*Ғозӣ девонининг таркибий тузилиши, жанр хусусиятлари*» деб номланган. Ғозӣ девони<sup>17</sup> кўлёмалари ичида энг мукаммали ва муайян тартиб билан ёзилгани ЎзФАШИДа №121 инвентар рақами билан сақланаётган нусхадир. Унда шоирнинг 3000 мисрадан

<sup>16</sup> П.Қаюмов. Қўқон тарихи ва адбиёти. Қўлёмза. 11-дафтар. – Б. 17.

<sup>17</sup> Қаранг: Ғозӣ. Девон. Инвентарь №121 Шарқшунослик институти кўлёмалар фонди. Авторефератда шоир шеърларининг рақамланишида ушбу манба асос қилиб олинди.

ортиқроқ турли жанрлардаги шеърӣй мероси жамланган. Девонни кўчирган котиб унинг охири саҳифасида ўзи ҳақида маълумот қолдирган: «Итмом ёфт девони Мулло Муҳаммад Ғозии Хўқандий ба дастёрии хомаи мушкин макотир, дар дасти фақири ҳақири саропо тақсире – Муҳаммади Маҳдум ибн Мулло Ашўр Муҳаммад, ба авни Малики Маннон». Шу сўзлар, яъни хатм ул-китобдан кейин ҳам девон ниҳоясида Мирзо Солеҳ номли шахс вафотига бағишлаб ёзилган форсий тилдаги бир марсия ва шу тилда ёзилган арзи ҳол ва маърифий руҳдаги иккита тўрт байтли ғазаллар жойлаштирилган. Девон композицияси анча мукамал, жанр таркиби ранг-баранг. Ундан 123 ғазал, 11 мухаммас, 2 мусаддас, 1 мусамман, 12 мустазод, 9 рубоӣй, 10 таърих, 1 таржеъбанд ва 1 марсия жанридаги асарлар ўрин олган.

Биз ҳам ўз тадқиқотимиз учун ана шу мўътабар манбани танладик. Девон «Бисмиллаҳир раҳмонир раҳийм» калимасидан сўнг:

*Илоҳо деҳ, зи номат зеб авроқи баёнабро,  
Муҳалло аз санои хеш кун теги забонабро*<sup>18</sup>.

матлаи билан бошланувчи етти байтли ҳамд ғазал билан очилади.

Девондан ўрин олган кейинги ғазаллар маърифий ва ижтимоӣй мазмун касб этади. Шоирнинг ишқӣй ғазаллари, асосан, Навоӣй, Машраб, Фузулий шеърӣяти услуби ва тарзида ёзилган.

Мухаммас жанрида ҳам шоирнинг зуллисонайнлик анъанаси асосида ижод қилганлиги кузатилади, яъни девондаги 11 мухаммасдан 6 таси ўзбек тилида бўлса, 5 таси форс-тожик тилида, яна биттаси ширу шакар санъати асосида битилган. Мухаммасларнинг аксарӣяти таъби худ йўналишида бўлиб, тахмис мухаммаслар озарбайжон шоири Фузулий ғазалларига боғланган.

Ғозий девонига мухаммаслардан сўнг икки мусаддас киритилган. Биринчи мусаддас муламмаъ шаклида ёзилган бўлиб, унинг бир банди ўзбекча, бир банди форс-тожик тилидадир. Биз ўз кузатишларимиз доирасида бу давр адабий муҳиtida бундай йўналишда яратилган бошқа бир мусаддасни учратмадик. Мусаддас наът мавзусида бўлиб, ҳар бир банднинг охирида такрорланадиган икки мисра тил хусусиятларидан келиб чиқиб, ўзбекча бандларда бир хил, тожикча бандларда эса бошқа хилдир. Мазкур мусаддасга “Фи наътил мурсалин” деб сарлавҳа қўйилган ва унда Пайғамбаримиз (с.а.в.) таърифлари гўзал ташбеҳ ва иқтибосларга бой тарзда маҳорат билан баён этилган.

Ғозий девонида жами 12 та мустазод ҳам мавжуд бўлиб, улардан 9 таси ўзбек тилида, 2 таси форс-тожик тилида ва биттаси талмиъ санъати асосида ёзилган. Шоир мустазодларининг бадий хусусиятларини тадқиқ қилишимиз натижасида шу нарса маълум бўлдики, у туркий шеърӣятда Огаҳӣйдан кейин мустазод жанри тараққиётига муҳим ҳисса қўшди: унинг шаклий хусусиятларига ўзгартиришлар киритди. Девондан ўрин олган илк мустазод қуйидагича:

<sup>18</sup> Ғозий. Девон. №121. – Б. 1а

*Ҷонро ба ҳазор ишва чашмонат бурд,  
Эй лолаузор!  
Дилро ба фусу ду лаъли хандонаш бурд,  
То гашт дучор.  
Ғозий, чӣ кунам, ки нақди имонамро,  
Чун айёрон,  
Он холи сиёҳ, офати ҷонат бурд,  
Бо сабру қарор<sup>19</sup>.*

Агар ушбу шеърнинг вазн ва қофия хусусиятларига назар ташлайдиган бўлсак, унинг асосини анъанавий тарзда ғазал эмас, балки рубоий жанри ташкил қилаётганлигини кузатишимиз мумкин. Ундаги асосий мисралар ҳазаж баҳрининг ахраб шажараси вазнларида, қўшимча мисралар эса мафъувлу фаувл рукнлари асосида битилганки, вазн ва мисралар сони унинг рубоий шаклида, асосий ва қўшимча мисраларга эгалик, қофияланиш тизими унинг мустазод шаклида эканлигини кўрсатади. Шундан келиб чиқиб, ушбу жанрни шартли равишда рубоий-мустазод деб номлаш мумкин. Ғозийнинг ушбу кашфиёти кейинчалик шоирнинг Қўқон адабий муҳитидаги халафи Султонхон Адо томонидан давом эттирилди. Унинг бир рубоийси айнан юқоридаги шаклга эга<sup>20</sup>. Шунингдек, Ғозий мустазодлари фарқли равишда мунсарих ва музориъ баҳрларида ҳам яратилганлигига гувоҳ бўлдик.

Ғозий девонида марсия мавжуд бўлиб, у Мирзо Солиҳ исмли шахсга бағишланган. Марсия форс-тожик тилида ёзилган. Мисралар сони ва қофияланиш тизимига кўра мусамман шеърӣ шаклига мос келади. Марсияда қўлланилган ташбеҳ ва истиоралар Алишер Навоийнинг Саййид Ҳасан Ардашер ва Шоҳ Ғариб Мирзога бағишланган марсияларини эслатади.

Ғозий девонидан ўрин олган шеърӣят намуналари шоирнинг юксак салоҳият ва кенг дунёқараш соҳиби, шеърӣят қоидаларини пухта эгаллаган ва уларни ўз асарларида муваффақиятли қўллаган пешқадам шоирлардан бўлганлигини намоён этади.

«Садойӣ “Таждид ун-назм” девонининг Қўқон адабий муҳити девончилигида тутган ўрни» деб номланган учинчи фаслда Мирҳасан Садойӣ девонининг<sup>21</sup> давр адабий муҳитида тутган ўрни таҳлил этилган. Мирҳасан Садойӣ ҳаёти ва ижодий мероси монографик жиҳатдан махсус ўрганилган бўлса-да, аммо унинг шеърӣятидаги мавзу, салафлар анъаналарига издошлик ва новаторлик масалаларининг бадийӣ такомилӣ бугунга қадар ўзининг махсус тадқиқотчиларини кутмоқда эди.

Садойӣ девонидан олти жанрдаги – 209 ғазал, 9, 7, 8 банддан иборат уч мураббаъ туркуми, 9 мухаммас (шундан 3 таси марсия-мухаммас), 14 банддан иборат бир мусаббаъ, 1 қитъа ва ягона шарҳи ҳол маснавий ўрин олган. Шоир девонининг услуби ҳақида яққол тасаввур ҳосил қилиш учун,

<sup>19</sup> Ғозий. Девон. №121. – Б. 37 б

<sup>20</sup> Ё.Исҳоқов “Сўз санъати сўзлиги” китобида бу усул дастлаб Султонхон Адо томонидан қўлланилганлигини таъкидлайди (Бу ҳақда қаранг: Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Т.: О‘zbekiston НМИУ, 2014. – Б. 125)

<sup>21</sup> Қаранг: Садойӣ Мирҳасан. Девон. Нашрга тайёрловчи Муҳитдинова Н. –Тошкент: Мумтоз сўз, 2010. – 168 Б. Авторефератда шоир шеърларининг рақамланишида муаллиф томонидан нашрга тайёрланган Мирҳасан Садойӣ “Девон”идаги тартиб асос қилиб олинди.

аввало, қалам соҳибии яшаган давр, ижодий анъаналар, бадиий маҳорат масалалари нуқтаи назаридан илмий таҳлил этиш мақсадга мувофиқ.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, Мирҳасан Садоий XVIII аср бошларидаёқ турли шакл ва йўналишда ривож топган сермаҳсул Қўқон адабий муҳитида шаклланди. Шоирнинг ўзи маснавийсида эътироф этганидек, у Охуний, Бобои Шаъро, Нозил, Равнақ, Нозими Комил, Фазлий, Саййид Давоий ва Хувайдо яратган адабий меросдан баҳраманд бўлди. У ўзига замондош шоирлар каби миллий адабиёт тараққиётига ўз ҳиссасини қўшди, инсон ва жамиятни шариат ва тариқат воситасида тарбиялаш ғоясини илгари сурган ҳолда ижод қилди.

Садоий шеърляти машҳур Шарқ шоирлари ва ўзбек мумтоз адабиёти намояндаларининг анъаналарини ўзига хос тарзда давом эттиргани билан алоҳида аҳамият касб этади. У Ҳофиз, Лутфий, Навоий ва Фузулий каби Шарқ адабиётининг забардаст алломалари ижодларидан баҳраманд бўлиб, уларга пайравлик қилди, назиралар ёзди, мухаммаслар битди. Мумтоз шоирлар шеърлятидаги бадиий тимсоллар, халқчил тил ва услуб янги шакл ва мазмунда Садоий шеърлятида ҳам бадиий баркамол тарзда намоён бўлади.

Садоий девонига “Таждид ун-назм” дея алоҳида ном қўйиши, дастлабки ғазалларини ҳамд, наът ва муножот мавзуларида иншо қилиши, девоннинг бошида қасида ўрнига ғазал жанридаги асарларини жойлаштиришларида Алишер Навоийнинг таъсирини кўриш мумкин. Шунинг баробарида, мураббаъ ва мусаббаъ жанридаги шеърларнинг мавжудлиги, лирик асарларнинг мавзу кўлами янгиланганлиги (манқабат, пир, она шаҳрига бағишланган махсус ғазаллар мисолида), қофия тизимидаги ўзгаришларнинг мавжудлиги ушбу девоннинг нафақат Қўқон адабий муҳити, балки ўзбек мумтоз девончилиги тарихида махсус ўрганишни тақозо этувчи мажмуа эканлиги диссертацияда мисоллар билан кўрсатиб ўтилди.

Диссертациянинг учинчи боби «**Ғозий ва Садоий ижодида салафлар услубига издошлик**» деб номланган. Боб икки фаслдан иборат. Бобнинг «*Татаббуънавислик – давр шеърляти анъанаси сифатида*» деб аталувчи биринчи фасли Мирҳасан Садоий ва Муҳаммад Ғозий ижодида татаббуънавислик замондош ва бир адабий муҳит доирасида ижод қилган шоирларнинг, миллий адабиёт вакилларининг шеърлярига ва қардош халқлар адабиётининг йирик намояндалари шеърлятига издошлик қилиш таснифи асосида кузатилган.

XVIII аср охири – XIX аср бошлари Қўқон адабий муҳитининг атоқли намояндалари Мирҳасан Садоий ва Муҳаммад Ғозий шу даврнинг барча таниқли ижодкорлари сингари мумтоз адабиётимизнинг узоқ асрлик анъаналари заминида қалам тебратдилар. Улар буюк салафлари ижодидан таъсирланиб шеър битар эканлар, айти замонда ўзлари яратган шеърлятнинг ҳам мазмун жиҳатидан, ҳам бадиий жозибадорлик жиҳатидан ўзига хослиги, оригиналлигини таъминлаш учун ҳаракат қилдилар. Ғазалда мазмун етакчи мавқе эгаллашини назарда тутган ҳолда, ижодкорлар уни ранг-баранг образлар, бадиий лавҳалар, халқона иборалар орқали ифодалашда ўзига хос санъаткорлик намуналарини кўрсатдилар.

Бу икки ижодкорнинг ўз салафларига издошликлари асосан икки йўналишда: татаббуънавислик ва мухаммас битишда намоён бўлади. Татаббуънависликнинг ўзини уч кўринишда тасниф қилиш мумкин: 1) замондош ва бир адабий муҳит доирасида ижод қилган шоирларнинг шеърига татаббуъ боғлаш (Хувайдо, Нодира ғазалларига битилган татаббуълар); 2) миллий адабиёт вакиллариининг шеърларига татаббуъ ёзиш (Алишер Навоий, Машрабдан таъсирланиш); 3) қардош халқлар адабиётининг йирик намояндаларига издошлик қилиш (Фузулий ғазалларига назиралар битиш).

Бобнинг «*Ғозий ва Садоий мухаммасларида салафлар анъаналари*» деб аталувчи иккинчи фасли шоирлар мухаммасларидаги салафлар анъаналарининг бадиий такомилли таъби худ ва тахмис турлари мисолида таҳлил этилган. Кўқон адабий муҳити шоирларида ижодий пайравлик ҳодисаси баёзчилик, назира ва татаббуънавислик анъаналари қаторида мухаммаснавислик мисолида ҳам салафлар, ҳатто замондош шоирлар шеърияти анъаналарининг бадиий такомиллида намоён бўлди. Ғозий ва Садоий девонларида ҳам икки навъ мухаммаслар ҳам мавжуд.

Садоий девонида 9 та мухаммас мавжуд бўлиб, 1 та наът, 3 та ижтимоий мавзуда, 1 та пир мадҳида, 1 та фарзандига бағишланган мувашшаҳ-мухаммас ва 3 таси марсия-мухаммасни қамраб олган. Муҳаммад Ғозий девонида 11 та мухаммас мавжуд бўлиб, 4 таси форс-тожик тилида, 6 таси ўзбек тилида ва биттаси муламмаъ кўринишида ёзилган. Шоирлар ижодида давр шеъриятининг анъанавий ҳодисаларидан бири бўлган мухаммаснависликнинг юксак намуналари ҳам салафлар ижодига издошлик, адабий таъсир ва ўзига хослик масалаларини очиб беради. Садоий тахмислари ғоявий-бадиий жиҳатдан ирфоний, ижтимоий, автобиографик аҳамиятга эгаллиги билан, Алишер Навоий, Хувайдо, Машраб ижодига пайравликнинг гўзал намуналарининг мавжудлиги билан шоир ижодхонасининг манбаларини асослайди. Ғозий мухаммасларида зуллисонайнлик анъаналарининг бадиий такомиллини бир нечта форсий, муламмаъ тахмислари мисолида кўришимиз мумкин. Шунингдек салафи Фузулийга издошлик билан битилган тахмислар лингвистик ва поэтик жиҳатдан ўзига хосликни касб этди. Шоирлар ижодининг Шарқ мумтоз шеърияти таъсирида шаклланган юксак бадиияти ўз навбатида улардан кейинги шоирлар учун ижод мактаби вазифасини ўтаганлигида ҳам кўринади.

Кўқон адабий муҳитининг маърифатпарвар шоирлари Мирҳасан Садоий ва Муҳаммад Ғозий девонларида мавжуд мухаммаслар жанр нуқтаи назаридан мукамал битилган бўлиб, ўша даврда яратилган баёзларда ҳам Ҳофиз, Жомий, Навоий, Бедил каби шоирлар шеърлари қаторида ўрин олган. Садоийнинг “Салом” радифли мухаммаси ва Ғозийнинг наът мухаммаслари, ғазалларининг баёзларга<sup>22</sup> киритилганига гувоҳ бўлдик. Айниқса, Мирҳасан Садоий Шарқ мумтоз анъаналари таъбида камолга етгани билан кейинги

<sup>22</sup> Баёз. Гафур Ғулом номидаги Фарғона вилоят адабиёт музейи фонди. Инв. №КП7112/Р672, № КП6667, №КП4094/Р72. 9 б, 88-87 б, 132 б –бетлар.

давр иждокорлари учун ҳам илҳом манбаи бўлган. Бу эса иждокор шеърятининг давр адабий муҳитидаги юксак қиймати билан эътироф этилади.

Диссертациянинг тўртинчи боби «**Ғозий ва Садоий лирикасида поэтик мазмун такомилли**» деб номланган. Боб тўрт фаслдан иборат.

Бобнинг биринчи фасли «*Девонларда ҳамд, наът, муножот ва манқабат мавзулари*» тадқиқига бағишланган. Бадиий сўз санъати назариясига оид бўлган манбаларда<sup>23</sup>, айниқса, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Бадоеъ ул-афкор фи саноеъ ил-ашъор” асарида шеърнинг 12 тури ҳақида маълумот берилди. Бу тасниф айнан ғоявий-тематик принцип асосида амалга оширилгани билан диққатга сазовор. Бунда Кошифий шеърларни мазмунига қараб тавҳид (Аллоҳ таоло ҳамдига бағишланган шеърлар), наът (Муҳаммад расулуллоҳ (с.а.в.)га бағишланган шеърлар), манқабат (саҳобалар ва авлиёлар ҳақидаги шеърлар), асрор (сўфиёна-орифона мазмунидаги шеърлар), мидҳат (мадҳ), жидд (ижтимоий мавзудаги шеърлар), ҳазлу мутойиба (юмористик ва сатирик шеърлар), мунозара (савол-жавоб йўсинида битилган шеърлар), қасамиёт (жанговар мавзудаги шеърлар)га ажратади. Булардан ҳазлу мутойиба, мунозара ва қасамиёт шеърлари бошқа мавзулардаги шеърлардан аниқ объектга эга эга эканлиги ва муайян ҳодиса, воқеа ё конкрет шахсга йўналтиргани билан фарқланишини ҳам қайд қилиб ўтади.

Мирҳасан Садоийнинг “Таждид ун-назм” ҳамда Ғозий девонлари юқорида қайд қилиб ўтганимиздек, асосан ғазал жанридан таркиб топган. Иккала девондаги ғазалларининг мазмун-мундарижаси ранг-баранг. Анъанага кўра, девонлар ҳамд ва муножот мавзуидаги ғазаллар билан бошланади. Фарқ шундаки, Ғозийнинг девонидаги ҳамд ва муножот оҳангидаги ғазаллар алифбо тартибига риоя этилмасдан, тўққизта ғазал икки тилда жойлаштирилган. Таъкидлаш лозимки, девон тартиб беришда дастлабки ғазалларни ҳамд ва муножот, наът ва манқабат мавзуларида битиш анъанасига Алишер Навоий асос солган бўлиб, бу ҳақда Навоийнинг ўзи “Бадоеъ ул-бидоя” девонининг дебчасида батафсил тўхталиб ўтган<sup>24</sup>. Албатта, Навойдан олдинги туркийгўй шоирларда ҳам ҳамд ва наът мавзусидаги ғазаллар учрайди. Аммо уларнинг девонлари кенг тарқалмагани боис, мазкур анъананинг сарчашмаси Навоий девонларидан бошланади, дейишга тўлақонли асосимиз бор.

Алишер Навоийнинг “алиф” туркумидаги ғазалларнинг дастлабки тўққиз ғазали ҳамд, муножот ва наът мавзусига бағишланганини эътиборга олсак, бундан Ғозий мавзу ягоналигини ҳисобга олиб, “алиф”, “бе”, “дол”, “нун” ҳарфлари билан тугалланган ғазалларни девоннинг бошига жойлашганига асос бўлгани ойдинлашади.

Садоий эса, алифбо тартибига қатъий риоя этган ҳолда, девонида ҳамд, наът ва муножот мавзусидаги ғазалларни алифбо тартибида жойлаштирган. Жумладан, девоннинг “фотиҳа ғазали”нинг дастлабки сўзи “ибтидо” бўлгани

<sup>23</sup> Кошифи Ҳусайн Воиз. Бадоеъ ул-афкор. Душанбе: Хумо, 2006. – Б. 232; Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадоеъ ус-саноеъ. Душанбе: Ирфон, 1974; Тарозий Шайх Аҳмад ибн Худойдод. Фунун ул-балоға. – Т.: Хазиана, 1996.

<sup>24</sup> Алишер Навоий. Бадоеъ ул-бидоя. МАТ. 20 жилдлик. – Т.: Фан, 1987. – 723 б.

ва бу сўз “Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан бошлайман” маъносини берувчи басмала ояти мазмунига ишора эканлигини ҳисобга олиб, мазкур ғазални ҳамд-басмала ғазал десак ҳам бўлади:

*Ибтидо Маъбуду олам, Холиқи арзу само,  
Қудратинг бирла яраттинг Ҳазрати Одам Ато*<sup>25</sup>.

Садойнинг мазкур ғазалидаги ўзига хослик шунда кўринадики, у дастлабки байтларида Қуръонда зикр этилган воқеа ва ҳодисалар – Одам Атонинг яралиши, фаришталарнинг унга сажда қилиши, Шайтон хийласига учиб, жаннатдан қувилгани, Аллоҳнинг мадади билан Иброҳим алайҳиссалом учун Намруд ёққан гулхан гулзорга айланиши ҳақида сўз юритади. Олтинчи ва еттинчи байтларда эса охирзамон Пайғамбари Муҳаммад Мустафо (с.а.в.) ҳамда у кишининг тўрт халифаси – Абубақр, Умар, Али ва Усмон ҳазратлари ҳақида сўз боради.

Маълумки, пайғамбар васфидаги байту ғазаллар наът, рошид халифалар ҳақидаги асарлар эса, манқабат деб юритилади. Садой дастлабки ғазалда учта йирик мавзу – ҳамд, наът ва манқабат оҳангидаги байтларни иншо қилиб, шу тариқа, ўзининг маслаки ва мазҳаби, диний эътиқодининг баённомаси ўлароқ яхлит бир асар яратади.

Садойнинг мактаъ байтидаги қофия Навоийнинг машҳур “Ашрақат...” ғазалининг матлаини эслатади. Фарқ шундаки, Навоий ўзининг диний-ирфоний ғояларини жом ва май поэтик образлари орқали ифода этган бўлса, Садой ўз тазаррулари ва муножотлари илоҳий даргоҳга қабул этилиши ҳақида сўз юритади. Бу ҳам шоирнинг анъана доирасидаги новаторликка интилиши сифатида баҳоланиши мумкин.

Садой девонидаги ғазалларнинг олтидан бир қисми ҳамд, наът, муножот ва мавъиза мавзуларда битилган. Айрим ғазалларда ушбу мавзулар қоришиқ ҳолда келгани, бошқа ғазалларида ҳам мазкур мавзуга дахлдор фикрлар борлигини ҳисобга олсак, бу тасниф нисбий характер касб этади. Шоир мазкур ғазалларда ўзининг эътиқодий қарашлари, олам ва одам моҳиятига бўлган муносабати, Аллоҳ ва унинг расули ҳамда рошид халифаларга бўлган чексиз меҳр-муҳаббати, ислом динининг мангу ва барҳаёт ғояларига ихлос ва садоқатини турли поэтик ифодалар орқали баён этган. Мазкур ғазалларнинг яна бир характерли жиҳати шундаки, деярли ҳар бир байт Қуръони карим ва ҳадиси шарифдаги ҳикматлардан озикланган. Шоир иқтибос, талмеҳ, ишора ва бошқа бадий санъатлар орқали муқаддас манбалардаги ғояларни бадий талқин қилишга ҳаракат қилган ва бу орқали ҳамд, наът, муножот ва манқабат мавзусидаги ғазалларнинг ўзига хослигини таъминлаган.

Ғозий девонида Садойнинг “Таждид ун-назм” девонига қараганда диний мавзудаги ғазалларнинг улуши камроқ. Унда ҳамд ва муножотдан кўра наът ғазаллар нисбатан кўпроқ бўлиб, манқабат мавзусида ҳам наът асарлари доирасида муносабат билдирган. Мавъиза – дидактик характердаги ғазаллардан кўра, шу мазмунда битилган байтлар бошқа мавзудаги ғазаллар таркибида келтирилган. Ғозий икки тилда ҳам ушбу мавзуларга дахл қилиб,

<sup>25</sup> Садой Мирҳасан. Девон. – Б. 14



шу тарика икки адабиётнинг бадий тафаккур хазинасига ўз ҳиссасини кўшишга ҳаракат қилган. Бу ҳам Қўқон адабий муҳити намояндаларининг ҳар бирида ўзига хос ижодий хусусиятлари, услуб ва йўналишлари борлигидан далолат беради.

Бобнинг иккинчи фасли «*Девонларда ирфоний мавзуларнинг бадий талқини*» деб номланган. Тасаввуфий шеърият ўзбек мумтоз адабиётининг муҳим бир қисмини ташкил этади. Айниқса, Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Мавлоно Лутфий ва Алишер Навоийларнинг баракали ижодлари туфайли ушбу йўналишда қалам тебратиш, ирфоний ғоя ва маслакни бадий йўсинда ифода этиш ҳодисасини деярли ҳар бир ўзбек шоирининг ижодида мушоҳада этиш мумкин. Умумий равишда ирфоний ғоялар ва бадий ижод муносабатларини шартли равишда қуйидаги гуруҳларга таснифлаш мақсадга мувофиқ бўлади:

1) *тасаввуф тариқатида муайян ҳол ва мақом соҳиби бўлган орифларнинг шеърияти*. Аҳмад Яссавий, Боқирғоний, Бобораҳим Машраб, Хўжаназар Хувайдо каби валийсифат зотларнинг шеър ёзишдан мақсади – илоҳий маърифат сир-асрорини бадий ижод орқали муридлар ва маърифат талабида бўлган ўқувчиларга етказиш эканини ҳисобга олган ҳолда уларни шу гуруҳга мансуб деб билиш мумкин;

2) *тасаввуф таълимотини пухта эгаллаган, аммо шоирлик истеъдоди орифлик мақомидан устун бўлган мутафаккир зотлар шеърияти*. Мавлоно Лутфий, Алишер Навоий, Огаҳий каби мумтоз шоирларнинг ижодида мажоз тариқи ва ҳақиқат асрори қоришиқ ҳолда келгани, уларнинг мероси тасаввуф ва ирфон чегараларидан ҳам ўзиб, умуминсоний муаммолар ва ғоялар бадииятнинг энг латиф намуналари билан безангани бизнинг шу тарикада фикр юритишимизга изн беради;

3) *ижодий меросида тасаввуф ва ирфонга оид тушунча ва тамойиллар ҳам учраб турадиган шоирлар* сирасига Атойи, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Амирий, Гулҳаний каби шоирларни киритиш мумкин. Бу тоифадаги шоирларнинг ижодий меросида инсон қувончу ташвишлари, ҳаётнинг турфа жумбоқларига ориф ё таркидунё қилган зоҳид кўзи биланмас, балки ҳақиқатни англашда турли йўналиш ва фикрий оқимларнинг қарашларидан фойдаланиш устунлик қилади<sup>26</sup>.

Тадқиқот объектимиз бўлган Мирҳасан Садойи ва Ғозийнинг девонларини кўздан кечирсак, бу масалада ҳам ҳар бир шоир ўз индивидуал йўналишга эга бўлганига гувоҳ бўламиз. Айниқса, Садойининг шеъриятида ирфоний ғоялар асосида яратилган ғазаллар девоннинг салмоқли қисмини ташкил этади.

Садойининг ирфоний мавзуларда битилган ғазаллари бир неча хусусиятларни ўз ичига олади. Агар баъзи ғазалларда шоир тасаввуфнинг асосий тамойиллари, тушунча ва атамаларини бадий йўсинда ифодалаган бўлса, айрим ғазаллари ҳам мажозий ва ҳам ҳақиқий муҳаббат васфида

<sup>26</sup> Ушбу таснифда Алишер Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб” асаридаги шоирлар таснифига таянилди. Батафсилроқ қаранг: Алишер Навоий. 10 жилдлик. 9-ж. “Маҳбуб ул-қулуб”. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.

битилганлиги кузатишимиз мумкин. Масалан, девондаги 120-рақамли ғазалда Садоий тариқатнинг энг муҳим босқичларидан бири – тавба ва истиғфор ҳақида сўз юритади.

Ғазалда тавба тасаввуфдаги мақомлардан бири сифатида талқин қилинган. Унинг ғазалида истиғфор калимаси радиф ўрнига қўлланилиб, ғазалнинг эмоционаллик хусусияти янада кучайтирилган:

*Ёдингни қилмай, ё Аҳад, астағфиру-л-лоҳал-азим,  
Бўлди гуноҳим беадад, астағфиру-л-лоҳал-азим.  
Бул соғари шират қуруб, юрдум ажаб, ўйнаб, кулуб,  
Тавба қилиб, ҳам синдуруб, астағфиру-л-лоҳал-азим<sup>27</sup>.*

Ғазал охиригача Садоий “касри нафс” усулини қўллаган ҳолда, қилган тоат-ибодати риё ва хўжакўрсинга бўлгани, гуноҳ ва хатолари кўплиги, ҳидоят топиш ўрнига залолат йўлида тентираб юргани ҳақида сўз юритиб, қалб кўзи очилган инсоннинг ғафлат уйқусида кечган умридан пушаймонлик кечинмаларини гўзал тарзда баён этган. Унинг ғазали кўзгу янглиғ ҳар бир қалби огоҳ кишининг мудраб қолган туйғуларини уйғотиб, эзгулик томонга ҳидоят қилади. Садоий ва унинг маслакдошлари наздида тасаввуф энг аввало гўзал ахлоқни камолга етказиш ва шу орқали ўзликни англашдан иборатдир.

Ирфоний ғояларнинг бадиий ифодаси бобида Ғозий шеърятини тасаввуф таълимотидан илҳомланган шоирлар сирасига қўшиш мумкин. Ғозий шеърятида, Навоий таъбири билан айтганда, “мажоз тариқи ғолиб” бўлгани сабабли, унинг девонидаги шеърларида Садоийнинг “Таждид ун-назм”идан фарқли ўлароқ соф ирфоний ғазаллар деярли учрамайди. Ғозий тасаввуф атамаларининг бадиий талқинидан кўра, ушбу таълимотдаги инсонпарварлик, ҳаётсеварлик, ахлоқ-одоб ва ижтимоийлик жиҳатларидан ижодкорлик билан фойдаланишни маъқул кўради. Айниқса, қаноат, сабр, шукр, ҳаё, риёсизлик, садоқат, фидоийлик, хоксорлик каби ахлоқий категорияларни тавсифлашда ирфоний адабиётнинг бадиий усул ва воситаларидан маҳорат билан фойдаланган. Жумладан, ҳасби ҳол йўсинида ёзган ғазалларининг бирида қаноат тушунчаси ҳақида фикр юритаркан, ушбу мавзуда ҳадислар ва тасаввуф шайхларининг ҳикматларида акс топган умумлашма хулосаларни ўз тилидан қуйидагича ифодалаган:

*То ба иқлими қаноат подшоҳам кардаанд,  
Фориғ аз дарди сари тожу кулоҳам кардаанд<sup>28</sup>.*

Садоий девонида ирфоний матлаб ва муддаолар уч кўринишда – тасаввуф атамаларнинг бадиий талқини, пир-мурид муносабатларининг ифодаси ҳамда қаландарийлик тариқатига кўнгил боғлаган шоирнинг шахсий кечинмалари ифодаси ўлароқ вужудга келган. Ғозийнинг ғазалларида эса ирфоний қарашлар унинг маслагига айланган ахлоқий концепцияга бўйсундирилган ҳолда талқин қилинади. Шунга қараб, Садоийни сўфий шоирлар сирасига, Ғозийни эса тасаввуфдан илҳомланган ижодкорлар тоифасига мансуб деб ҳисоблаш керак. Ушбу икки девон мисолида ҳам Кўқон адабий муҳитида бадиий ижод билан шуғулланувчиларининг

<sup>27</sup> Садоий Мирҳасан. Девон. – Б. 72

<sup>28</sup> Ғозий. Девон. №121. – Б. 4а.

тасаввуфга бўлган муносабатлари ранг-баранг бўлгани, бу ранг-баранглик фикрий ва ижодий-бадий хилма-хилликка олиб келганини билиш мумкин.

Бобнинг «*Шеършунослик ва бадий салоҳият ифодаси: бадий тимсол яратишдаги санъаткорлик маҳорати*» деб аталувчи учинчи фасли Ғозий ижодининг бадий баркамоллиги тадқиқига бағишланган. Шарқ мумтоз адабиётининг асосий тимсолларидан бири – кўнгил тимсоли Муҳаммад Ғозий шеъриятида асосий концепцион мавзуга айланган. Шоир кўнгилни шахслантиради. Унга ўзининг энг пинҳон дардини сўйлайди, маҳбуба бевафолигидан шикоят қилади, рақибларига нисбатан бўлган ғазаб нафратини баён этади. Пировардида, уни шу ҳолга солган Кўнгил эганлигини идрок этади ва бундай қилмасликни илтимос қилиб, ишқ йўли хатарларидан огоҳ этади:

*Эй кўнгул, маҳвашиларинг ҳуснига ҳайрон ўлмагил,  
Чунки бўлдунг, эҳтиёт айла, пушаймон бўлмагил*<sup>29</sup>.

Мумтоз шоирлар анъаналарига издошлик этиб, шоир фақирлик билан ўз қалбини ёки маърифатталаб солиқ қалбини “синғон сафол” ёхуд “синған коса” деб атайди. Аммо бу “синған коса” унга Шоҳ Жамшиднинг жами жаҳоннамосидан афзал, мажусий бўлса ҳам, Ёр ишқида ёнганидан тўпланган гулхан кули Шоҳ Доронинг ҳашаматли тахтидан афзал. У ўзи англаган ва қалбини тўлдирган муҳаббат Дорою Жамшид давлатларидан ҳам зиёда эканлигини фахр билан қайд этади.

Ғозий мумтоз шеърят ва ўз даври адабий ҳаёти анъаналарини чуқур ўзлаштирар экан, бу анъаналарни ўзининг ўткир тафаккури, донишмандона фалсафий қарашлари, бетакрор бадий услуби билан янада бойитди ва янгилади. Унинг шеъриятида шакл ва мазмун бирлиги, ақл-идрок, илм ва ҳиссиёт уйғунлиги, вазминлик ва меъёр доирасидаги дидактика, ўзига хос бадий санъаткорлик намоёиши мужассам. Шу жиҳатдан Ғозий девони фанимизнинг тараққиёти учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳодисадир.

Бобнинг тўртинчи фасли «*Ғозийнинг ошиқона шеъриятида шахс камолоти масаласи*» деб аталади. XVIII аср охири – XIX аср бошларида беназир шоирлар Хувайдо, Нодирабегим, Садоий ижодий фаолиятлари мисолида ўзига хос маърифий тараққиётни бошидан кечирган Кўқон адабий муҳити Муҳаммад Ғозий Хўқандий шеърияти воситаси билан янада бойиди, ўзига хослик касб этди.

Шоирнинг қатор ғазалларида фитратан қаландарман, табиатан қаландар машрабман, дейишидан бирор тариқатга кирган – кирмаганлиги ҳақида ҳам мулоҳаза уйғонади. Чунки мадрасани хатм қилган ўз даврининг илғор зиёлиси, юксак салоҳият ва дардли қалб соҳиби, сатрларининг қат-қатидан чуқур билим, донишмандона мушоҳада ва зариф таъб эгаси кўзга ташланиб турган бир шахс ўз даври ва ислом мафқурасининг йирик ҳодисаларидан бири бўлмиш тариқатларга бефарқ бўлишлиги, албатта, эҳтимолдан йирокдир.

Ғозий шеърияти фақат шаклий бенуқсонлик, кўркамликдангина иборат бўлмай, ўз даври тафаккурини янги фалсафий мушоҳадалар, дидактик йўл-

<sup>29</sup> Ўша манба. – Б. 13а

йўриқ ва кўрсатмалар, орифона фикрлар билан бойитган назм дурдоналаридир. Унинг фалсафий мушоҳадалари ўзининг ҳаётдаги ўрни ва мақсади, муваққат ҳаётни мазмунли (сўфийлик нуқтаи назаридан) ўтказмоқ тилаги, шахс камолоти хусусида фикр юритишдан иборат эди.

## ХУЛОСА

1. Ўзбек адабиётшунослиги истиқлолдан кейин ривожланишнинг янги босқичига қадам қўйди. Айниқса, мумтоз адабиётимиз намояндаларини мафкуравий талаблардан холи, соф илмий мезонлар асосида талқин қилиш имконияти туғилганлиги сабабли, “сарой адабиёти”, “мистик адабиёт” вакили тамғаси остида бўлган ижодкорларнинг мероси қайта ўрганилмоқда. Ўз навбатида, ушбу имконият мумтоз адабиётда тарихий-тадрижий тараққиёт қонуниятлари, образлар ва мотивларнинг бадиий такомилли, давр нафаси ва адабий муҳитнинг ўзаро муносабати ҳақидаги қарашларнинг янгиланишига олиб келмоқда.

2. Ўзбек тилининг узил-кесил шеърят тилига айланишида муҳим роль ўйнаган Қўқон адабий муҳитида аёллар шеърятининг пайдо бўлиши, адабий ва илмий муҳитда зулласонайлик анъанасининг устуворлиги, девон тузиш жараёни жадаллашгани, бир нечта тилда девон тузиш ҳолатлари мавжудлиги, мавзу ва жанрлар ранг-баранглиги, диний-ирфоний мавзулар баробарида ижтимоий мавзулар ҳам адабий асарларда кенг ўрин топгани ушбу даврнинг ўзбек маданияти тараққиётидаги ўрни нақадар муҳим эканини кўрсатади. Баёзчиликнинг ривож топиши, уларда турли тилларда ва турли давр шоирларининг энг сара намуналари жамлангани ҳам адабий муҳитда хилма-хилликка эҳтиёж кучайгани, маданиятлар ва анъаналар синтези жадаллашганидан дарак беради.

3. Девон тузиш борасида Қўқон адабий муҳити шоирлари асосан Алишер Навоий анъанасидан илҳомланган бўлсалар-да, ҳар бир ижодкор ўзининг шахсий ёндашувини ҳам сингдиришга ҳаракат қилгани мушоҳада этилади. Садойи Алишер Навоийга издошлик қилиб, ўз девонига “Таждид ун-назм” деб алоҳида ном қўйган бўлса, Ғозий ўзбекча ва форсча шеърларини бир девонга жойлаштиради. Девонларнинг тузилиши, жанрлар таркиби ва жойлаштирилиши тартиби ҳам ҳар бир асарга алоҳида ёндашувни талаб этишини кўрсатади.

4. Қўқон адабий муҳити намояндаларида анъанавий мавзуларга мурожаат қилиш турлича бўлиб, бу ҳолат анъанавийлик замиридаги новаторликка интилиш билан изоҳланади. Жумладан, тасаввуфий-ирфоний шеърятда Ҳувайдонинг тариқат пири сифатида, Нодира ва Увайсийларнинг муслима аёл кечинмалари ифодасида, мажзуби солиқ Машрабнинг ҳасби ҳол йўсинида, Садойининг садоқатли муриднинг арзи ҳоли шаклида, Ғозийнинг тасаввуф мухлиси сифатида яратган асарлари шаклан бир хил бўлса-да, ўз моҳият эътибори билан турличадир. Бу ҳолат даврнинг бошқа шоирларига ҳам тегишли. Ирфоний оҳангдаги байту ғазаллар Мирҳасан Садойи девонида Ғозийникидан кўра анча салмоқли. Садойи девонида ирфоний матлаб ва муддаолар уч кўринишда – тасаввуф атамаларнинг бадиий талқини, пир-

мурид муносабатларининг ифодаси ҳамда қаландарийлик тариқатига кўнгил боғлаган шоирнинг шахсий кечинмалари ифодаси ўлароқ вужудга келган. Ғозий ғазалларида эса ирфоний қарашлар унинг маслағига айланган ахлоқий концепцияга бўйсундирилган ҳолда талқин қилинади.

5. Ирфоний ғояларнинг бадиий ифодаси борасида Ғозий шеърятини тасаввуф таълимотидан илҳомланган шоирлар сирасига қўшиш мумкин. Унинг шеърятини, Навоий таъбири билан айтганда, “мажоз тариқи ғолиб” бўлгани сабабли, шеърларида Садоийнинг “Таждид ун-назм”идан фарқли ўлароқ, соф ирфоний ғазаллар деярли учрамайди. Ғозий тасаввуф атамаларининг бадиий талқинидан кўра, ушбу таълимотдаги инсонпарварлик, ҳаётсеварлик, ахлоқ-одоб ва ижтимоийлик жиҳатларидан ижодкорлик билан фойдаланишни маъқул кўрган. Айниқса, қаноат, сабр, шукр, ҳаё, риёсизлик, садоқат, фидоийлик, хоксорлик каби ахлоқий даражаларни тавсифлашда ирфоний адабиётнинг бадиий усул ва воситаларидан маҳорат билан фойдаланган.

6. Бу икки ижодкорнинг ўз салафларига издошликлари асосан: татаббуънависликда замондош ва бир адабий муҳит доирасида ижод қилган шоирларнинг шеърига татаббуъ боғлаш, миллий адабиёт вакилларининг шеърларига татаббуъ ёзиш, қардош халқлар адабиётининг йирик намояндаларига издошлик қилиш мисолида намоён бўлади.

Шоирлар ижодида давр шеърятининг анъанавий ҳодисаларидан бири бўлган мухаммаснависликнинг юксак намуналари ҳам салафлар ижодига издошлик, адабий таъсир ва ўзига хослик масалаларини очиб беради. Садоий тахмислари ғоявий-бадиий жиҳатдан ирфоний, ижтимоий, автобиографик аҳамиятга эгаллиги билан, Алишер Навоий, Ҳувайдо, Машраб ижодига пайравликнинг гўзал намуналари мавжудлиги билан шоир ижодхонасининг манбаларини асослайди. Ғозий мухаммасларида зуллисонайлик анъаналарининг бадиий такомилени бир нечта форсий, ширу шакар тахмислари мисолида кўришимиз мумкин. Шунингдек, салафи Фузулийга издошлик билан битилган тахмислар лингвистик ва поэтик жиҳатдан ўзига хосликни касб этади. Шоирлар ижодининг Шарқ мумтоз шеърятини таъсирида шаклланган юксак бадиияти ўз навбатида улардан кейинги шоирлар учун ижод мактаби вазифасини ўтаганлигида ҳам кўринади.

7. Садоий девонидаги ғазалларнинг олтидан бир қисми ҳамд, наът, муножот ва мавъиза мавзуларда битилган. Айрим ғазалларда ушбу мавзулар қоришиқ ҳолда келгани, бошқа ғазалларида ҳам мазкур мавзуга дахлдор фикрлар борлигини ҳисобга олсак, бу тасниф нисбий характер касб этади. Ғозийнинг девонида ҳамд ва муножотдан кўра наът ғазаллар нисбатан кўпроқ бўлиб, манқабат мавзусида ҳам наът асарлари доирасида муносабат билдирган. Мавъиза – дидактик характеридаги ғазаллардан кўра, шу мазмунда битилган байтлар бошқа мавзудаги ғазаллар таркибида келтирилган. Ғозий икки тилда ҳам ушбу мавзуларга дахл қилиб, шу тариқа икки адабиётнинг бадиий тафаккур хазинасига ўз ҳиссасини қўшишга ҳаракат қилган.

8. Садоий девонида ўзбек адабиёти тарихининг ёрқин намояндалари бўлмиш шоирлар – Гулханий, Махмур, Ҳозик, уларнинг кичик

замондошлари – Муқимий, Фурқат, Завқийлар ижодий меросида бўлгани каби, сатира ва юмор, замона муаммоларига муносабат тарзида дунёга келган ўткир ҳажвиёт учрамайди. Бу ҳодиса Садойнинг сўфий шоир эканлиги билан изоҳланади. Ҳатто шоирнинг Машраб лирикасига бўлган катта қизиқиши ҳам унда машрабона исёнкорлик руҳини уйғота олмаган. Шоир ғазалларида лирик қаҳрамоннинг ўзини “девона” деб тасвирлаши ҳам кўп учрайди. Бу ғазаллар ростгўй, ҳақиқатпарвар сўфийнинг дилдан қилган фарёди, ҳақиқий ишқ ҳақидаги тушунчаси, уни қийнаган дард ифодаси янглиғ қоғозга тушган, уларда ишқ кенг маънода, тасаввуфий рамзиёт асосида талқин этилади. Тасаввуфий талқинлар шоир ижодининг бош йўналишини белгилаб туради.

9. Ғозийнинг маърифий дидактикаси риндона руҳда бўлиб, унда шоир етук шахс сифатида шаклланиш учун энг аввало жавонмардлик фазилатларига эга бўлмоқ лозим, деган ғояни илгари суради. Шоир шеърияти ислом маънавияти сарчашмаларидан куч олган бўлиб, у яратган тимсоллар ҳам шу руҳ ва мазмунда ғазаллар ва бошқа лирик яратмаларда ўзининг бадиий ифодасини топади.

10. Ғозий Шарқ классиклари Алишер Навоий, Мирзо Бобур, Зебунисобегим, Машраб, Фузулий ижодий услубларидан илҳом олиб, шеъриятнинг нодир намуналарини яратар экан, салафлари қолдирган ижодий анъаналарни ўзининг донишмандона фалсафий мушоҳадалари, кенг дунёқараши, замонасининг ижтимоий муаммоларига ҳозиржавоблиги, ўзига хос дидактик тарғибот услуби, ва асосан, нафосат қонуниятлари доирасида шаклланган бадиий маҳорати билан бойитди. Шоир, хусусан, таърих жанрига шаклий ранг-баранглик, мустазод жанрига вазн ва услубий новаторлик билан ёндашиб, поэтик анъаналарни бадиий такомилга етказди. Унинг шеъриятида буюк шоирлар ижодиди бўлгани каби жавонмардлик, футувват руҳи сезилиб туради. У самимий, юксак маданиятли, инсонсевар жамиятни истайди. Намойишқора ибодатдан, риёкорона зуҳду тақводан нафратланади. Алишер Навоий ижодидида намоён бўлган тасаввуфий мушоҳада, ижтимоий ҳаёт масалаларига оқилона муносабат, туркона услуб хусусиятларига мойиллик; Заҳридин Бобур шеъриятидаги риндона кайфият, Машраб лирикасига хос бўлган диний-дидактика, енгил вазнларда ўйноқи ва равон шеърлар яратиш Ғозий шеъриятида яққол акс этади. Муҳаммад Фузулийга издошлик Ғозий поэтик маҳоратининг камолга етишуви учун хизмат қилган омилдир.

Умуман олганда, XVIII аср охири – XIX аср бошлари Кўкон адабий муҳитининг кўзга кўринган вакиллари Мирҳасан Садой ва Муҳаммад Ғозий шу даврнинг барча таниқли ижодкорлари сингари мумтоз адабиётимизнинг узок асрлик анъаналари заминидида қалам тебратдилар. Улар буюк салафлари ижодидан таъсирланиб шеър битар эканлар, айни замонда ўзлари яратган шеъриятнинг ҳам мазмун жиҳатидан, ҳам бадиий такомили жиҳатидан ўзига хослиги, оригиналлигини таъминлаш учун ҳаракат қилдилар. Ғазалда мазмун етакчи мавқе эгаллашини назарда тутган ҳолда, ижодкорлар уни ранг-баранг образлар, бадиий лавҳалар, халқона иборалар орқали ифодалашда ўзига хос санъаткорлик намуналарини кўрсатдилар.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**МУХИТДИНОВА НАЗМИЯ МУСЛИХИДДИНОВНА**

**ПОЭТИЧЕСКОЕ СОВЕРШЕНСТВО ТРАДИЦИИ НАСТАВНИКОВ В  
УЗБЕКСКОЙ ПОЭЗИИ ПЕРВОЙ ПОЛОВИНЫ XVIII-XIX ВЕКОВ  
(на примере творчество Мухаммада Гази и Мирхасана Садои)**

**10.00.02 – Узбекская литература**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ  
ДОКТОРА ФИЛОЛОГИЧЕСКИХ НАУК (DSc)**

**Самарканд – 2021**

Тема докторской диссертации (DSc) зарегистрирована за номером B2020.A.DSc/P11228 Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном университете.  
Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета ([www.samdu.uz](http://www.samdu.uz)) и Информационно-образовательном портале «Ziyounet» ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)).

Научный консультант:

Юсупова Дилнавоз Рахмоновна  
доктор филологических наук

Официальные оппоненты:

Эркинов Афтондил Содирхонович  
доктор филологических наук

Кобилова Зебо Бакировна  
доктор филологических наук

Максудов Бадриддин  
доктор филологических наук, профессор

Ведущая организация:


Национальный университет Узбекистана  
имени Мирзо Улугбека


Защита диссертации состоится «11» 08 2021 года в 10 часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Fil.02.03 по присуждению ученых степеней при Самаркандском государственном университете (Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40, e-mail: [rector@samdu.uz](mailto:rector@samdu.uz) Самаркандский государственный университет, Главный учебный корпус, 105-й кабинет).


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (Зарегистрирована за номером 41). Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: [rector@samdu.uz](mailto:rector@samdu.uz).

Автореферат диссертации разослан «30» 07 2021 года.  
(Реестр протокола рассылки 76 от «30» 07 2021 года).



 Ж.Хамроев  
Председатель научного совета по  
присуждению ученых степеней, д.ф.н.,  
профессор

 Х.Асланова,  
Ученый секретарь Научного совета по  
присуждению ученых степеней,  
доктор философии по филол.н. (PhD)

 Ш.Хасанов,  
Председатель научного семинара при  
научном совете по присуждению  
ученых степеней, д.ф.н., профессор



## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора наук (DSc))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мировом литературоведении в настоящее время развиваются исследования по изучению литературного наследия средневековья на основе принципов историзма, сопоставления, взаимовлияния, синкретизма; оценка истории литературы как неотъемлемой части развития мировой литературы, определение роли и вклада каждого писателя в историю национальной литературы, оригинальности продукта творчества являются одними из актуальных проблем современности. В этом смысле, определение специфических аспектов истории литературы, являющейся основной структурной частью литературоведения, изучение литературного наследия предков, как неотъемлемой части исторической объективности и тенденции развития литературного процесса с помощью различных научных методов и методологий становятся одной из актуальных проблем мировой, в частности, узбекской литературы.

Сбор информации по истории литературы и о литературных фигурах, анализ их творчества в тесной связи с эпохой и творчеством, изучение литературной среды и образа мышления общества имеют древние истоки, однако в литературоведении изучение литературно-исторического наследия, исходя из требований новой эпохи является весьма новым направлением в плане методики и определения тематического охвата. Наличие национальной литературы, формирование литературных критериев и норм являются элементом, касающимся культуры народа, развития цивилизации. Однако мы не можем сказать, что этапы развития поэзии национальных литератур мусульманского Востока изучены в достаточной степени. Литературоведение требует интенсивного развития. Необходимо изменить отношение к наследию классической литературы, внедрить новые подходы. Особенно востребованным является изучение специфических аспектов представителей очагов цивилизации в нашем регионе, в частности, Кокандской литературной среде, наследие которых остаётся неизученным.

Определяя главные факторы создания фундамента новой эпохи Возрождения – Третьего Ренессанса в Узбекистане, как отметил Президент, Мы видим, что наша Родина, находясь на перекрестке Великого Шёлкового Пути издревле была очагом высокой цивилизации и культуры. Богатое научно-культурное наследие нашего народа, древние наскальные письмена, бесценные архитектурные памятники, редкостные рукописи, различные исторические памятники – все это свидетельствует о глубоких корнях трехтысячелетней истории нашей государственности”<sup>30</sup>. Именно поэтому изучение жизни и творчества поэтов-представителей Кокандской литературной среды, которую называют “вторым золотым веком” в истории узбекской классической литературе, введение в научный дискурс и доведение до общественности оставленное ими литературное наследие

---

<sup>30</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // <http://uza.uz/posts/3452>

представляет собой один из актуальных вопросов узбекского литературоведения.

Настоящее диссертационное исследование в определенной степени служит во исполнение задач, определенных в нормативно-правовых актах, как Указы Президента Республики Узбекистан УП-4797 “О создании Ташкентского государственного университета узбекского языка и литературы имени Алишера Навои” от 13 мая 2016 года, УП-4947 “О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан” от 7 февраля 2017 года, Постановления Президента Республики Узбекистан ПП-2995 “О мерах по дальнейшему совершенствованию системы хранения, исследования и пропаганды древних письменных источников” от 24 мая 2017 года, ПП-3271 “О программе комплексных мер по развитию издания и распространения книжной продукции, а также по повышению и пропаганде культуры чтения и читательства” от 13 сентября 2017 года, ПП-2789 “О мерах по дальнейшему совершенствованию организации, выполнения и финансирования деятельности, научно-исследовательских работ Академии Наук” от 17 февраля 2017 года, ПП-4865 “О широком отмечении 580-летия рождения великого поэта и мыслителя Алишера Навои” от 19 октября 2020 года, доклад на тему “Развитие литературы, искусства и культуры – надежная основа повышения духовного мира нашего народа” и др.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития и технологий республики I. «Формирование системы инновационных идей и пути их осуществления в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовно-нравственном развитии информатизированного общества и демократического государства».

**Обзор международной научной литературы по теме диссертации**<sup>31</sup>. Исследования, посвящённые изучению социальной жизни, культуры, искусства, науки и литературы Кокандского ханства в XVIII–XIX вв. проводятся в ряде ведущих научных центров мира, в частности, Оксфордском университете, Кембриджском университете (Великобритании), The Roshan Institute for Persian Studies at the University of Maryland; Center of Near Eastern Languages and Civilizations, University of Chicago; Near Eastern Languages and Cultures Department, Ohio State University (США); İstanbul Üniversitesi, Ankara Üniversitesi, Gazi Üniversitesi (Турция); Балхском государственном университете (Афганистан), Aligarh Muslim University, Dehli University (Индия); Azərbaycan milli elmlər akademiyası Nizami adına

---

<sup>31</sup> Обзор международной научной литературы по теме диссертации осуществлён на основе следующих источников: <https://arts.unimelb.edu.au/nceis/>; <https://www.westernsydney.edu.au/>; <https://sllc.umd.edu/persian/about/>; <http://nelc.uchicago.edu/>; <https://nelc.osu.edu/>; <http://ut.ac.ir/>; <http://www.um.ac.ir/>; <https://www.amu.ac.in/>; <http://www.du.ac.in/du/>; <http://www.istanbul.edu.tr/tr/>; <https://www.ankara.edu.tr/>; <http://gazi.edu.tr/>; <https://www.orientalstudies.az/ru/>; [http://literature.az/?lang=aze](http://literature.az/?lang=aze;); <http://www.kaznu.kz/ru/>; [www.iaas.msu.ru/](http://www.iaas.msu.ru/); <https://www.ivran.ru/>; <https://spbu.ru/>; [www.orient.spbu.ru/ru/](http://www.orient.spbu.ru/ru/); <http://www.orientalstudies.ru/>; <http://oriental-studies.org.ua/uk/home/>; <http://zoa.dmt.tj/>; <http://iza.tj/ru/institut-yazyka-literatury-vostokovedeniya-i-pismennogo-naslediya-im-rudaki/>; <http://tashgiv.uz/ru/>; <http://navoiy-uni.uz/uz-k/>; <http://www.samdu.uz/>.

әдәбиyyat İnstitutu va Z.Bünyadov adına Şərqsünaslıq İnstitutu (Азербайджан); әл-Фараби атындағы Қазақ Ұлттық университеті (Казахстан); Институте востоковедения, Институте Азии и Африки при МГУ, Восточном факультете при СПбГУ, Институте восточных рукописей в Санкт-Петербурге (Россия); Институте востоковедения АН Украины им. А.Крымского (Украина); Донишгоҳи миллии Тоҷикистон, Донишгоҳи давлатии Хужанд (Таджикистан); Институте узбекского языка, литературы и фольклора, Институте востоковедения АН РУз, Ташкентском государственном университете узбекского языка и литературы, Самаркандском государственном университете, Кокандском государственном педагогическом институте, Андижанском государственном университете (Узбекистан).

В мировом литературоведении осуществляются исследования, посвящённые изучению возникновения и принципов национальных литератур, национальных литератур и истории национальной государственности, эволюции литературных видов и жанров, архитектонике художественного произведения, лингвопоэтики по следующим приоритетным направлениям: возникновение в регионе мусульманского востока национальных литератур и их эволюционное развитие, специфические особенности национальных, в частности, узбекской, турецкой, азербайджанской, персидско-таджикской, афганской, татарской, арабской литератур, эволюция и генезис литературных жанров и видов (Оксфордский университет, The Roshan Institute for Persian Studies at the University of Maryland, دانشگاه تهران, İstanbul Üniversitesi, Gazi Üniversitesi, әл-Фараби атындағы Қазақ Ұлттық университеті, Институт узбекского языка, литературы и фольклора АН РУз, Ташкентский государственный университет узбекского языка и литературы, Самаркандский государственный университет, Кокандский государственный педагогический институт); исследование литературных источников мировых фондов рукописей с точки зрения источниковедения и текстологии, подготовка к изданию и издание их факсимильных вариантов (әл-Фараби атындағы Қазақ Ұлттық университеті, Институт Востоковедения, Институт Азии и Африки при МГУ, Восточный факультет при СПбГУ, Институт восточных рукописей в Санкт-Петербурге, Институт востоковедения АНРУз, Ташкентский государственный университет востоковедения, Государственный музей литературы имени Навои, Самаркандский государственный университет, Кокандский государственный педагогический институт).

В мировом литературоведении исследования по изучению литературных процессов на основе новых подходов и технических возможностей, национальных литератур и их современных процессов, истории литературы и представителей литератур проводятся по следующим приоритетным направлениям: теоретико-практическое определение роли древней и современной литератур, выявление и оценка языковых особенностей литературы средневековья и лингвопоэтики современной поэзии; изучение в историческом аспекте тематического охвата в литературе, идейно-

